

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ



**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**“Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари”
кафедраси**

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ

**ФАНИДАН
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

(педагог ходимларнинг барча малака тоифалари учун)



Гулистон - 2015

**С.ИСМОИЛОВ. “МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ”
ФАНИДАН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА. –ГУЛИСТОН: 2015. 88 БЕТ.**

Ушбу ўқув-услубий мажмуа амалдаги дастур асосида тайёрланиб, унда фан бўйича муаммоли маърузалар тўплами, семинар машғулотлар ишланмалари, мустақил иш топшириқлари, тавсия этилган адабиётлар рўйхати жамланган.

**S.ISMAILOV. EDUCATIONAL- METHODOICAL COLLEKTION ON
“NATIONAL IDEA AND MA`NAVIYAT ASOSLARI”. –GULISTAN: 2015. 88
PG.**

This educational-methodical collection is prepared for the students of pedagogical specialized and special part time department of Gulistan State University.

**С.ИСМОИЛОВ. УЧЕБНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ КОМПЛЕКС ПО
“НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕИ И ОСНОВЫ ДУХОВНОСТИ”. –ГУЛИСТАН:
2015. 88 СТР.**

Учебно-методический комплекс по “Национальной идеи и основы духовности” состоит из рабочей программы, рейтинговой разработки, критериев оценки, курса лекций, семинарских занятий, заданий по самостоятельной работе, контрольных вопросов, основного и дополнительного списка используемой литературы.

Ответственный редактор: стр. преподаватель. **О.Бегиев**
Рецензент: кан. фил. наук., доц. **Р.Махмудов**

Педагог ходимларнинг барча малака тоифалари учун мўлжалланган ушбу Ўқув-услубий мажмуа СВПКҚТВМОИ Ўқув-услубий кенгашининг № сонли йиғилиш қарори билан (2014 йил “.....” даги
№ баённома) нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Мустақиллик даврида комил инсонни шакллантириш масаласи энг долзарб мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинган. Бу таълим ва тарбия жараёнида ижтимоий фанларга алоҳида масъулият юклайди.

Мустақиллик даври таълим тизимида тубдан янги “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фанини ўқитиш йўлга қўйилди. Мазкур фанни ўқитишдан асосий мақсад: ватанимиз фуқаролари илмий дунёқарашини шакллантириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, давримизнинг баркамол авлодини шакллантириш, фуқаролар онги ва қалбига миллий мафкура ғояларини сингдиришдан иборат.

Шу мақсадда Педагог ходимларнинг барча малака тоифалари учун “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фанини ўқитиш мақсадга мувофиқ деб топилган. Ўқув дастурига кўра, бу фан учун жами: 14 соат: 6 соат маъруза ва 8 соат амалий машғулотлар учун ўқув соатлари ажратилган. Шундан келиб чиқиб, ўқув дастури асосида “Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари” кафедрасида ўқув-услубий мажмуа яратилган.

Мажмуа сўз боши, ишчи режа, ўқув дастур, маърузалар курси, тестлар, глоссарий ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

Маърузалар курсини тайёрлашда илмийлик, изчиллик, мантиқийлик тамойиллари асосида шу соҳага оид адабиётлар, илмий мақолалар ҳамда интернетдан олинган материаллардан фойдаланилди.

Мажмуага асос қилиниб, Президент Ислом Каримовнинг “Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин” (1998), “Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” (2000) ва “Юксак маънавият-енгилмас куч” (2008) асарлари олинди.

Мазкур ўқув - методик мажмуа “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фанидан давлат тилида яратилган дастлабки ўқув мажмуалардан бири бўлганлиги сабабли унда баъзи жузъий камчиликлар, мунозарали қарашлар ва атамалар учраши мумкин. Шунинг учун қўлланма ҳақида билдирилган ҳар қандай фикр, муносабат, мулоҳаза ва таклифларга муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

**“Миллий ғоя ва маънавият асослари” ўқув модули бўйича
малака ошириш курси тингловчиларининг тайёргарлик
даражасига қўйиладиган
ТАЛАБЛАР**

(педагог ходимларнинг барча малака тоифалари учун)

- Ушбу ўқув модулини ўзлаштириши натижасида тингловчилар: таълим-тарбия билан миллий ғоянинг бирлигига эътибор қаратиши;
- ҳар қандай жамиятнинг истиқболи, унинг ривожланиши мамлакатнинг ақлий-интеллектуал салоҳияти билан боғлиқлигини англаши;
- раҳбарлик фаолиятини таълим-тарбия билан бевосита ёки билвосита боғлиқ жиҳатларини ҳисобга олиши;
- таълим-тарбия билан боғлиқ вазирлик, таълим-тарбия муассасаларида олиб борилаётган ишларни ўзаро мувофиқлаштириши, ташкил этиши, уни янада такомиллаштириши, янгилаш ва ривожлантириб бориши;
- таълим-тарбияга қўйилаётган талабларга жавоб бериши, бу борадаги ютуқ ва муаммоларни олдиндан кўриши, унинг узоқ муддатли стратегик йўналишларини белгилаб олиши ва уларни амалга ошириш ишларида кўпроқ раҳбарлик маҳоратининг талаб этилишига эътибор қаратиши;
- тарбияда барча соҳалар бўйича, яъни оила, мактаб, маҳалла, фаолияти ўртасида ҳамкорликни таъминлаши;
- миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, унинг самарадорлигини ҳамда таъсирчанлигини ошириш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, кенг қамровли ислохотлар, қабул қилинган фармон ва фармойишлар, қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисидаги маърузаларининг мазмун-моҳиятини билиши;
- Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг моҳиятини англаш ва ҳаётга татбиқ этиш;
- Ислом Каримовнинг “Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш” рисоласини билиши;
- Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарининг мазмун ва моҳиятини билиши;
- Ислом Каримовнинг “Миллий-маънавий юксалиш концепцияси”, унинг назарий методологик ва амалий томонлари ҳақида тушунчага эга бўлиши;
- янги авлод кадрларини тайёрлашда “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фанининг роли ва аҳамиятини билиши;
- таълимнинг сифат ва самарадорлигини "Давлат таълим стандарти" асосида ташкил этиши;
- таълим жараёнида замонавий педагогик технология (баҳс мунозара, дебат, тренинг, маъруза, интеллектуал савол-жавоб)лардан унумли фойдаланиши;

- ёшларни мустақил фикрлашга ўргатиш учун мантикий баҳс-мунозараларни ташкил этиши;
- ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш йўллари билиши;
- замон талабига мос ҳолда янгича фикрлайдиган, мустақил дунёқарашга эга бўлган янги авлодни тарбиялаш йўллари билиши;
- дунё ҳамжамиятида ўзининг ва миллатининг салоҳиятини кўрсатиб бера олиш йўллари билиши, аجدодларимиз билан фахрланиш, миллий ғурурга эга бўлиши;
- “Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг моҳиятини билиши;
- Ватан бахт-саодати, тинчлиги учун жасорати етарли бўлган ёшларни тарбиялаш усул ва воситаларини билиши;
- мафкурада, маънавият соҳасида ғоявий бўшлиқ бўлмаслигига эришиш;
- бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасини билиши ва тўғри тушунтириб бера олиши;
- жаҳонда юз бераётган маънавий ўзгаришлар, мафкуравий муаммолар ва таҳдидларни билиши ҳамда уларга қарши мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш;
- четдан кириб келаётган маданиятсизлик, маънавий қашшоқлик, ахлоқсизлик, яъни ғоявий, мафкуравий, информацион хуружлардан ёшларни ҳимоя қилиш, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш йўллари билиши;
- миллий қадриятлар билан умумбашарий қадриятларни уйғун, муштарак ҳолда олиб бориш йўллари билиши;
- мутеъликдан холи бўлиш, ўз фикрини эркин ифодалай олиш ва уни ҳимоя қила олиш йўллари билиши;
- ёш авлодни мустаҳкам иродали ва миллий ғоя эътиқодига собит, иймонли, баркамол инсонлар этиб тарбиялаш йўллари билиши талаб қилинади.

“МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ”

модулининг

ЎҚУВ-МАВЗУ РЕЖАСИ

(педагог ходимларнинг барча малака тоифалари учун)

№	Мавзулар	Маъруза	Семинар	Жами
1	Глобал ўзгаришлар ва ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси самарадорлигини ошириш зарурати.	2	-	2
2	Миллий ғоя ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида мактаб таълимининг ўрни.	2	2	4
3	Мафкурaviй муаммолар, маънавий таҳдидлар ва баркамол шахс тарбияси.	-	2	2
4	Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги ғояларнинг таълим тизимидаги аҳамияти	2	2	4
5	Миллий мафкурани ўқувчи ёшлар онги ва қалбига сингдиришда мактаб раҳбарининг маъсулияти.	-	2	2
	Жами	6	8	14

“МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ”
модули бўйича малака
ошириш курсининг
ЎҚУВ ДАСТУРИ
(педагог ходимларнинг барча малака тоифалари учун)

1-МАВЗУ: Глобал ўзгаришлар ва ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси самарадорлигини ошириш зарурати
(2 соат маъруза)

Жаҳон тараққиётида рўй бераётган ўзгаришлар, давр бу унинг ноаниқлиги муаммоси. Глобал ўзгаришларнинг дунё мамлакатларининг ҳар бирига бевосита таъсир ўтказиши. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида инсоният ғоят мураккаб, зиддиятли ва таҳликали жараёнларнинг гувоҳи бўлаётгани.

Ҳозирги даврда хавф-хатар ва таҳдидлар кучайишининг объектив ҳамда субъектив сабаблари.

Ҳозирги давр ижтимоий-сиёсий ўзгаришларининг долзарб муаммолари. Дунё харитасида янги давлатларнинг вужудга келиши, инсониятнинг тинч-тотув яшаши ва тараққиётнинг янги босқичга кўтарилишига хизмат қиладиган янги имкониятларнинг пайдо бўлиши.

Дунёвий тараққиётга тўсиқ бўладиган, демократик ривожланишни издан чиқарадиган ва инсоният бирлигига таҳдид соладиган ғоявий йўналишларнинг вужудга келиши. Глобаллашув жараёнининг жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб келиши. Бугунги дунёда мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг бутун курраи заминни қамраб олиш жараёни.

Бугунги кун кишиларининг кечаги кун одамларидан тубдан фарқ қилиши. Миллий маънавият ва қадриятларимизнинг қайта тикланиши, ўзликни англай бошланиши туфайли кишилар онгида, тафаккуридаги ижобий ўзгаришлар. Даврни чуқур ўрганиб, унинг талабларига жавоб беришга қодир миллатгина барҳаёт бўлиши. Давр талаби, даврни англаш жараёнларининг бир-бири билан диалектик боғлиқлиги ва тараққиёт учун замин ҳозирлаши.

Юртимизда маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши этиб белгиланиши. Маънавият ва маърифатни юксалтиришнинг асосий воситаси бўлган янги таълим ва тарбия тизимини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш вазифаси.

Глобал ўзгаришлар ва ёшларни маънавий – маърифий тарбиясини самарадорлигини ошириш зарурияти. Таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ишларига ҳалақит бераётган қусурлар ва таълим –тарбия ишидаги баъзи эскича ёндашувлар.

Диний экстремистларнинг, ақидапарастларнинг амалга оширган маккорона кирдикорлари ва уларнинг сабоқлари. Ёшларимиз тақдири, жамиятимизнинг тақдири ва келажаги эканлиги. Таълим ва тарбия тизимини такомиллаштиришда халқимиз диний қадриятларининг роли ва ўрни.

Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиқ беришга йўналтирилган суҳбат ва учрашувлар, йилларнинг номланишидаги вазифалар уйғунлиги ҳақида тарғибот, ташвиқот ишларини жонлантириш.

“Маънавият ва маърифат” жамоатчилик кенгашининг ташкил этилиши. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 451-сонли Қарори, ушбу қарор асосида бугунги кунда ёшларни ғоявий тарбиялаш, масъулиятни ҳис қилиш, маънавий-маърифий, сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини ўстириш, янгича фикрлашга ўргатиш. Мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини, уларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш масалалари.

2-МАВЗУ: Миллий ғоя ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида мактаб таълимининг ўрни (2 соат маъруза, 2 соат семинар)

Ғоя ва мафкура тушунчалари, уларнинг моҳияти. Ғоя – инсон тафаккури маҳсули. Ғояларнинг шаклланиши ва намоён бўлиш хусусиятлари. Фикр ва ғоя, гипотеза ва ижтимоий башоратнинг ўзаро алоқадорлиги ва фарқлари.

Ғояларнинг турлари.

Бунёдкор ғоялар: бунёдкор ғояларнинг шакллари ва хусусиятлари. Озодлик, мустақиллик, тинчлик, адолат, тенглик, ҳамкорлик, дўстлик, бирдамлик, ҳурфикрлик, маърифатпарварлик, бағрикенглик, халқпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби бунёдкор ғоялар. Инсоният жамияти ва цивилизациялар ривожига таъсир кўрсатган ижтимоий, сиёсий, илмий ғоялар, назариялар, таълимотлар ва мафкуралар. Зардўшт, Суқрот, Афлотун, Конфуций, Ал-Фаробий, Навоий ва бошқаларнинг илмий ғоялари.

Амир Темур давлатининг бунёдкор ғояларга асосланганлиги. Бунёдкорлик ғояси – ижтимоий барқарорлик ва тараққиётнинг гарови.

Вайронкор ғоя ва унинг реакцион моҳияти. Мустабидлик, босқинчилик, террорчилик, ақидапарастлик, жаҳолатпарастлик, ирқчилик, миллатчилик, маҳаллийчилик, ёвузлик каби вайронкор ғоялар. Уларга қарши ғоявий, мафкуравий кураш зарурлиги. Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойили. Вайронкор ғоялар ҳукмрон бўлган жойда ижтимоий беқарорликнинг мавжуд бўлиши.

Фуқаролик жамияти тушунчаси. Фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий маданияти фуқаролик жамияти куришнинг муҳим омили. Фуқаролик жамиятининг энг муҳим вазифаларидан бири одамлар онгини, маънавиятини ўзгартириш эканлиги. Демократик жамият бу, энг аввало, фуқаролик жамияти. Чинакам демократиянинг олий мазмуни-шахслараро, миллатлараро, давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлаштиришдан иборатлиги. Ҳуқуқий давлатнинг фуқаролик жамияти билан узвий боғланганлиги, у сиз шаклланмаслиги ва ривожланмаслиги.

Фуқаролик жамияти-реал ижтимоий-иқтисодий замин бўлиб унинг негизида ҳуқуқий давлатнинг муҳим таркибий қисмлари вужудга келиши. Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич топшириш лозимлиги. Бунда энг муҳими, аҳолининг касб ва ижтимоий таркиби манфаатларини янада тўлароқ ифодалаш ва ҳимоя қилишда нодавлат, жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеларини ошириш даркорлиги. “Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг моҳияти. Фуқароларнинг ўзларига ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва уни ташкил этишда кенг иштирок этиш учун имконият яратилиши.

Таълим тизими - инсоният цивилизацияси, илму тафаккурининг кўп асрлик тараққиёти мобайнида мислсиз ўзгаришларга сабаб бўладиган, башарият ҳаётининг фаолиятини яхшилаш ва такомиллаштиришга хизмат қилиши. Ҳозирги кунда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиниши - мамлакатимизда кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнидаги муаммолар, жамиятнинг маънавий янгилиниши, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришда, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини куришда муҳим аҳамият касб этаётгани.

Таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш жараёнида, давлатимиз билан бир қаторда, барча таълим муассасалари ҳам бош ислохотчи ролини ўйнаши лозимлиги.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумиллий дастури таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни ҳам шаклан, ҳам мазмунан замон талабларига мослаштириш, таълим сифат-самарадорлигини узлуксиз такомиллаштириб боришда дастурамал бўлганлиги.

Ўқувчи-ёшлар қалбига миллий ғоя ва мафқурани сингдириш, ўз Ватанига муҳаббат ва садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, уларда миллий ғурурни шакллантириш, умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш муҳим вазифа ҳисобланиши.

Миллий ғурур – ўз миллий мансублигидан фахрланиш, ўз миллатининг бой тарихи, маданий ва маънавий меросидан, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан ғурурланиш, ўзлигини англаш, ўзгаларни тушунишга даъват этувчи қудратли куч.

Ўқувчи-ёшлар тарбиясида “Баркамол авлодни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги концепцияси”да белгиланган вазифалар ва уларни ижро этишдаги камчиликлар ва муаммолар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги ПҚ-2133-сон қарори “Соғлом бола йили”

Давлат дастурида етти бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, унда болалар туғилиши, таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ барча

масалалар акс этган бўлиб, таълимга оид қуйидаги бўлимларни мужассамлаштирган:

1. Соғлом болани шакллантиришда таълим-тарбия тизими ва спортнинг ролини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларни юқори малакали ва тажрибали педагоглар билан таъминлаш, бошланғич таълимнинг юқори сифатини таъминлаган ҳолда болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан ошириш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, болалар, айниқса қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш (20 та масала);

2. Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда давлат ва жамият томонидан кўрсатиладиган ёрдам ва кўмакни кучайтириш, мазкур жараёнлар учун масъул бўлган соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, ижтимоий муҳофаза муассасаларида замонавий талабларга жавоб берадиган шарт-шароитлар яратиш, уларни ривожлантиришга йўналтириладиган маблағлардан фойдаланишнинг самарасини ошириш, соғлом болани тарбиялаш бўйича илғор халқаро тажрибани кенг ўрганиш ва амалда жорий этиш (16 та масала);

Буюк мутафаккирлар ва таниқли педагоглар таълим ва тарбиянинг ўзаро диалектик боғлиқлиги, уларни бир-биридан ажратиб бўлмаслиги ҳақидаги фикрлари.

3-МАВЗУ: Мафкуравий муаммолар, маънавий таҳдидлар ва баркамол шахс тарбияси (2 соат семинар)

Ҳозирги даврдаги илғор ва тажовузкор ғоялар, мафкуралар, уларнинг инсон онги ва қалбига таъсири. Жаҳон демократик мамалакатлари тажрибасида мафкуравий тарбиянинг бой имкониятлари, намуналари тўғрисида. XX асрда дунёда ғоявий қарама-қаршиликларнинг мураккаб тус олиши. Жаҳон майдонларини бўлиб олишга уринишлар.

Турли минтақаларда содир бўлаётган ва инсониятга хавф солиб турган нохуш ҳодисаларнинг таҳлили. Инсон, унинг ақл-идроки, заковати ва салоҳияти. Ижтимоий тараққиёт, одам яхлитлигининг асосий омилига айланишига эҳтиёжнинг кучайиши. Замон бугун инсондан ўз-ўзини англаб олишни тақозо этиши. Таҳдидларни бартараф этиш фақатгина инсоният зиммасига тушиши. “Хавф-хатар”, “риск” ва “таҳдид” тушунчалари, уларнинг моҳияти, назарий жиҳатлари, намоён бўлиш сабаблари.

Маънавий ва мафкуравий иммунитет тушунчалари, уларнинг шаклланиши. Ҳозирда намоён бўлаётган хавф-хатар ва таҳдидлар. Мафкуравий муаммолар ва маънавий таҳдидлар. Уларнинг жамият барқарор тарақиётига тўсқинлик қилаётгани.

Мафкуравий курашларнинг умумбашарий ва минтақавий муаммолари. Буюк давлатчилик шовинизми, панисломизм, пансоветизм Марказий Осиё минтақасида мафкуравий жараёнлар: наркобизнес, экология танглиги каби

умумбашарий муаммолар. Диний фундаментализм ва экстремизмнинг зарари ва унинг фожиали оқибатлари. Минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш муаммолари ва вазифалари.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган илоҳотларнинг миллий ва умуминсоний асосга қурилганлиги. Ислоҳотлар жараёнида одамлар тафаккури ва дунёқарашида ўзгаришларни амалга ошириш. Субъективизм, манфаатпарастлик, маҳаллийчилик, уруғ – аймоқчилик каби ўтмишдан қолган иллатларни бартараф этишнинг мафкура билан боғлиқ вазифалари.

Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш. Ёшларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш. Турли хуружларга қарши изчил кураш олиб бориш.

Ҳозирги шиддатли ва мураккаб шароитда баркамол шахсни тарбиялашнинг ўзига хос қийинчиликлари. унинг субъектив ва объектив омиллари. ўқув муассасалари олдида турган долзарб муаммолар ва уни бартараф этиш йўллари. Глобал асри даврида медиатаълим фанини таълим тизимига жорий қилиш зарурати. Таълим-тарбия самарадорлигининг энг муҳим натижаси бу ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топганлик даражаси эканлиги.

**4-МАНЗУ: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг
“Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги ғояларнинг таълим
tizимидаги аҳамияти
(2 соат маъруза, 2 соат семинар)**

Маънавиятни англаш. “Маънавият” тушунчаси, унинг таърифи. Маънавиятнинг негизи ва маъно-мазмунини белгилайдиган асосий хусусиятлар. Маънавият – беқиёс куч. Олийжаноб фазилатлар – комиллик белгиси. Ҳалоллик, поклик, мардлик, саховат, камтарлик, инсоф-диёнат фазилатлари. Лоқайдлик, бепарволик, манфаатпарастлик, хиёнат ва сотқинлик иллатлари. Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар. Тарихий хотира ва маънавий мерос. Муқаддас динимиз ҳақида. Буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданиятини равнақ топтиришга қўшган бетақдор хиссаси.

Маънавиятни шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири. Маънавиятни юксалтиришда маҳалланинг роли. Маънавиятни шакллантиришда таълим-тарбия тизимининг ўрни. Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги. Моддий ва маънавий оламнинг ўзаро бир-бири билан боғлиқлиги. Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт. Миллий ғоянинг теран мазмуни. Миллий ғояда мужассам бўлган буюк мақсадлар. Миллий ғоянинг юксак тушунчалари. Маънавият ва жамиятнинг янгилиниши. Маънавий тикланиш ва янгилиниш эҳтиёжи. Она тили – бу миллатнинг руҳи эканлиги. Ватанга муҳаббат туйғуси. Миллий қадриятлар. Тарихий хотира.

Ислоҳотлар ва уларнинг маънавий мезони. Ўзбек тараққиёт модели. Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши. Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар. Фикрга

қарши фикр, ғояга қарши ғоя тамойили. Мафкуравий иммунитет, мустаҳкам ирода ва соғлом дунёқарашни шакллантириш. Инсон қалбига йўл. Маънавиятни қудратли кучга айлантириш вазифаси. Янги авлод кадрларини тайёрлаш, янги тафаккур соҳибларини тарбиялаш. Маънавиятни юксалтиришда оммавий ахборот воситалари, адабиёт, санъат, тасвирий ва монументал санъат асарларининг роли.

Энг буюк жасорат – бу маънавий жасорат эканлиги. Фидойи бўлиш фазилатини доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш – ҳақиқий қаҳрамонлик эканлиги. Халқимиз доимо маънавий жасорат ҳисси билан яшагани ва бу улуғ туйғу унинг ҳаётида йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора кучайиб, юксалиб бораётганлиги.

Ислом Каримовнинг “Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш” ва “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” рисоаларининг мазмуни ва моҳияти.

5-МАВЗУ: Миллий мафкурани ўқувчи ёшлар онги ва қалбига сингдиришда мактаб раҳбарининг маъсулияти (2 соат семинар)

Мафкура – жамиятнинг мақсади, манфаатлари, орзу-интилишларини ўзида мужассам этувчи ғоялар тизими. Тараққиётнинг кейинги босқичларида вужудга келган миллий асосдаги мафкура шакллари: ҳиндуизм, иудаизм, конфуцийлик, синтоизм. Одамнинг вужудга келиши ва мавжудлик қонуниятларини талқин қилиш натижасида пайдо бўлган оқимлар – монизм, дуализм, плюрализм, идеализм, материализм ва бошқалар. Инсоният тарихи ва тараққиётида мафкуралардан қўзланган мақсад ва муддаолар.

Миллий мафкура тарихи ва унинг моҳият-мазмуни. Миллий мафкуранинг назарий жиҳатларини Президент И.А.Каримовнинг нутқ ва асарларида асослаб берилиши. Янги мафкуранинг асл маъноси эскича ақидалардан холи бўлган, мустақил ва янгича фикрловчи кишиларни тарбиялашдан иборат эканлиги. Мафкурамизнинг миллий ва умуминсоний тамойиллари. Миллий мафкуранинг бош ғояси. Миллий мафкуранинг асосий ғоялари: Ватан равнақи. Юрт тинчлиги. Халқ фаровонлиги. Комил инсон. Ижтимоий ҳамкорлик. Миллатлараро тотувлик. Динлараро бағрикенглик (толерантлик). Миллий мафкурани одамлар қалби ва онгига сингдиришнинг самарали усул ва воситаларидан оқилona фойдаланиш ҳамда бу фаолиятни амалга ошириш соҳалари: Таълим ва тарбия. Фан ва илмий муассасалар. Маданият ва маданий-маърифий муассасалар. Адабиёт ва санъат. Дин. Жисмоний тарбия ва спорт. Урф-одат, маросим ва байрамлар. Оила. Маҳалла. Меҳнат жамоалари. Сиёсий партиялар. Нодавлат ташкилотлар. Оммавий ахборот воситалари.

Халқимиз, аввало, ўсиб-ўниб келаётган ёш авлодимиз онги ва қалбида мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш, мустаҳкамлаш шакл ва усуллари. Миллий ғоя туркумига кирувчи фанлар жараёнида ўқитишнинг замонавий педагогик технологияларини кенг қўллаш.

Ўқувчиларнинг мафкуравий тарбиясида таълим муассасаси раҳбарининг ўрни ва ролининг ортиб бориши. Бу йўналишда раҳбар кадрларга қўйилаётган асосий талаблар. Мактаб раҳбарининг юксак билим, сиёсий онг эгаси бўлиш; адолатли ва камтарин бўлиш; сезгир ва эътиборлилик педагогик жамоа, оналар, жамоатчилик фикрини илғай олиш, илғор ва кенг дунёқарашли бўлиши.

Раҳбарнинг салоҳиятли бўлиши ва масулиятни доимо ҳис қилиши зарурлиги. Раҳбарнинг ўз ғояси, фикри, ҳаракат дастурига эга бўлиши билан бирга, мактаб жамоасини она-юрт тараққиётига, халқимизнинг тинч-тотувлиги, фаровонлиги йўлида ягона ғоя атрофида жипслаштириши шартлиги.

Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб таҳликали даврда таълим муассасасида маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ўқувчиларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш вазифалари.

Ўқувчилар қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларни онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишга, турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган амалий ишларни ташкил этиш.

Мактабда ўқув машғулотлари жараёнида педагоглар томонидан ўқувчилар мафкуравий тарбиясини назорат қилиш ва уларнинг педагогик кенгаш ва ишлаб чиқариш йиғилишларида таҳлил этилиши. Ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини ошириш чоралари.

“Баркамол авлодни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги концепцияси” доирасида олиб бориладиган мафкуравий тарбия ишларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги ПҚ-2133-сон қарори “Соғлом бола йили” Давлат дастурида етти бўлим ва 125 банддан иборат бўлган, 4 ва 5 бандлари айнан таълим-тарбия, оилада соғлом муҳитни ривожлантиришга боғлиқ барча масалалар акс этган бўлиб, таълимга оид ушбу бўлимларга мактаб раҳбарининг маъсулияти аҳамиятга эгадир.

Ўқув дастури бўйича тавсия этилаётган асосий адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги 1997 йил 29 августдаги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ахборотномаси. 1997 йил, 9-сон.
3. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири). //Ўзбекистоннинг янги қонунлари, № 19. – Т.: Адолат, 1998.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида”ги 2001 йил 18 январдаги Фармойиши. “Маърифат” газетаси. 2001 йил 20 январь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарори.
6. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. – Т.: Ўзбекистон. 1998.
7. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
9. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
11. Каримов И.А. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи // Халқ сўзи. 2014 йил 16 май.
12. Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1999.
13. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2006.
14. “Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати”. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2009.
15. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. Тўлдирилган учинчи нашри. – Т.: Шарқ, 2006.
16. Назаров К., Очилдиев А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар. – Т.: Янги аср авлоди, 2002.
17. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. – Т.: Ўзбекистон, 2013.

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ

1-мавзу: ГЛОБАЛ ЎЗГАРИШЛАР ВА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЗАРУРАТИ

Режа:

1. Глобал ўзгаришлар жараёни ва унинг таълим тизимига таъсири.
2. Юртимизда маънавий-маърифий ва мафкуравий соҳанинг устуворлик касб этиши.
2. Ёшларимизнинг маънавий-маърифий ва мафкуравий тарбиялаш соҳасидаги ислохатлар.

1

*Глобаллашув*¹ (глобализация) - лотинча “глоб” сўзидан олинган бўлиб, айнан уни “думалоқлашув”, “курралашув”, деб таржима қилиш мумкин. Ер шарининг, Ер куррасининг фан-техника ютуқлари туфайли инсоният ихтиёридаги худди бир бутун шарга, куррага айланишини тушунтириш учун ишлатилади.

Катта “саккизлик” мамлакатлари раҳбарларининг 1999 йил ёзида Германиянинг Кёльн шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви Якуний коммуникесининг иккинчи банди айниқса катта аҳамиятга эга. Унда глобаллашув жараёнига расмий таъриф берилган².

Биринчидан, глобаллашув ғоялар, капитал, техника ва товарларнинг бутун дунё бўйлаб оқиши жадаллашиб ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётган мураккаб жараён сифатида баҳоланган.

Иккинчидан, глобаллашув айрим жамиятлардаги турли халқларни ниҳоятда яқинлаштирган очиклик туфайли юзага келган туб ўзгаришлар билан боғлиқ.

Учинчидан, глобаллашув борган сари кучайиб бораётган очиклик ва жадаллик натижаси сифатида бутун ер юзида ҳаёт даражасининг юксалиб боришига ва қашшокдик даражасининг анча пасайишига ёрдам берувчи шарт-шароит деб қаралади.

Тўртинчидан, глобаллашув интеграциянинг ишлаб чиқариш самарадорлигини рағбатлантириш, имкониятларни кенгайтириш ва иқтисодий ўстириш эвазига қўшимча иш жойлари яратишга имкон бериб улгурган ва бунда давом этадиган янги шакли сифатида қаралмоқда.

Бешинчидан, глобаллашув ахборот соҳасидаги инқилоб билан чамбарчас боғлиқ. Бу инқилоб эса, ўз навбатида, янги жамиятга ўтишнинг шарт шароити ҳисобланади. Яъни жаҳон цивилизацияси индустриал ва ностиндустриал жамиятдан ахборотга асосланган жамиятга ўтиш принципига борган сари кўпроқ амал қилмоқда.

Олтинчидан, глобаллашув турли маданиятлар ва кадрларнинг борган сари кучайиб бораётган ўзаро таъсири сифатида демократик жамиятлар қуриш, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг кафолатларини шакллантириш принципида ифодаланди.

¹ Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. Тўлдирилган учинчи нашри. – Т.: Шарқ, 2006. 70-71 бетлар.

² Қобилов Ш. Миллий ҳавфсизликнинг иқтисодий муаммолари. –Т.: Ўқитувчи, 2006. 166 бет.

Еттинчидан, глобаллашув айрим ишчилар, оилалар ва элатлар учун яшаш жойини ўзгартириш ва молиявий ноаниқлик билан боғлиқ хавф-хатарнинг ортишида намоён бўладиган муайян тахтидларга ҳам эга.

Президент Ислон Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида “Глобаллашув-бу аввало ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви”, деб таърифлайди.

Глобаллашув-бу Ер шарига, сайёрага тегишли бўлмоқ, жаҳон аҳамиятига молик бўлмоқдир. Айни чоғда мафкуравий жараёнлар шу мавқеда турибди.

Бутун дунёни қамраб олган, инсониятнинг бугунги ва келажакига хавф солувчи, ечимини топишда барча давлатлар ва халқларнинг ҳамжиҳатлик билан биргаликда ҳаракатини талаб қилувчи муаммоларга глобал муаммолар деб аталади.

Ҳозирда 10 та глобал муаммо бор:

1. Тинчлик ва қуролсизланиш.
2. Экологик. Экология бўйича деградацияланиш яъни табиий ҳолатининг йўқолиши.

3. Демографик.

4. Энергетик. 20 асрнинг 70 йили энергетика муаммоси пайдо бўлди.

5. Хомашё.

6. Озиқ-овқат муаммоси. ФАО (Халқаро озиқ-овқат билан таъминлаш ташкилоти) бор. Инсоннинг 1 кунлик нормаси 2400-2500 ккал бўлиши лозим. 1800 ккал. овқатга инсон тўймайди, 1000 ккал дан кейин очлик бошланади. ФАО маълумотича дунёда 35 % одам овқат тўйиб ейди, 20 % оқсилга танқис, 30 % очдир. Очлар 700-800 млн киши. 1,5 млрд одам тўйиб овқат емайди. Ривожланаётган мамлаатларда йилига 13-18 миллионгача киши очликдан ўлмоқда. Шунинг 4/3 қисми болалар. Очларнинг 200 миллиони Африкага, 370 миллиони Жанубий ва Жанубий Шарқий Осиёга, 70 миллиони Жанубий Америкага, 30 миллиони Яқин ва Ўрта Шарқ митақасига тўғри келади.

7. Дунё океанларидан фойдаланиш.

8. Коинотдан тинч мақсадларда фойдаланиш.

9. Ривожланаётган давлатларни қолоқликдан чиқариш муаммоси. 30 % давлат қолоқ ҳисобланади. Шунинг 4/3 қисми Африкага, 18 та мамлакати Осиёга тўғри келади.

10. Мафкуравий муаммо.

Инсоният тараққиёти айни вақтда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш жараёнидир. Бу жараён асрдан-асрга, минг йиллар давом этган. Капитализм давригача бу жараён секин кечган ва асрдан-асрга тезлашиб борган. XV асрда бошланган капитализм даври бозор муносабатларининг ривожланиши учун мисли йўқ даражада кенг имкониятлар очиб берди, инсон ташаббуси, тадбиркорлиги, шижоати, ихтирочилиги, кашфиётлари намоён бўлишига беҳад шароитлар яратди. Шу боис, инсоният жамияти XVI-XX асрларда XV асргача бўлган беш миллион йиллик тарихида яратилган моддий ва маънавий бойликларга нисбатан кўпроқ неъматлар яратди. Капитализм даврида темир йўллар, океан кемалари, авиация, радио, телефон, телеграф, телевидение, интернет тизими, Ернинг сунъий йўлдошлари, кино, кундалик

матбуот ва бошқа нарсалар яратилди. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Ер шари ҳаммамизга маълум, ҳар жихатдан ўзлаштирилган, ҳар куни ҳар бурчагида нима бўлаётгани барчамизга маълум гўшага айланди. Ер куррасининг номаълум, инсон билмаган, у оёқ босмаган жойлари қолмади. Фан ва техниканинг янгидан-янги ютуқлари бу борада инсоннинг имкониятларини янада кенгайтирмоқца.

Глобаллашувнинг ижобий томони шундан иборатки, у халқларнинг, давлатларнинг, миллий маданият ва иқтисодиётларнинг яқинлашишини тезлаштиради, уларнинг ривожланиши учун янги имкониятлар очади. Унинг салбий томони шундай иборатки, кўп минг-минг майда, қолоқ этник гуруҳлар ва миллатларнинг маданияти, тили, расм-русумлари жаҳон бўйлаб кучайиб бораётган глобаллашув жараёнларида катта миллатлар, йирик миллий маданиятлар, бой тиллар билан рақобатлаша олмай, ўз-ўзидан фаол ижтимоий-иқтисодий, лисоний-забоний ҳаётдан четга чиқиб қолмоқда.

№	ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ОҚИБАТЛАРИ	
	<i>Ижобий</i>	<i>Салбий</i>
1	Халқаро интеграция	Ўткир мафкуравий таъсир
2	Ҳамкорлик алоқалари	Мафкуравий тазйиқ
3	Хорижий инвестициялар	Маънавий таҳдидлар
4	Капитал ва товарлар алмашинуви	Мафкуравий ҳуруж
5	Ишчи кучининг эркин ҳаракати	Маънавий бўшлиқ
6	Янги иш ўринларини яратилиши	Хатарли таҳдидлар
7	Замонавий коммуникация	Ахборот ҳуружлари
8	Ахборот технологиялари	Ахлоқий бузуқлик
9	Илм-фан ютуқларининг тез тарқалиши	“Оммавий маданият”
10	Қадриятларнинг уйғунлашуви	Эгоцентризм
11	Цивилизациялараро мулоқот	Маънавий негизларга беписандлик
12	Ўзаро ёрдам имкониятларини ортиши	Зўровонлик

Бундай шароитда ҳар бир онгли фуқаронинг вазифаси-ўз миллатининг рақобатбардошлигини кўтариш, бунинг учун унинг фаол сиёсати, тадбиркор иқтисодиёти, маданиятида салмоқли ютуқлари учун курашишдир. Бунинг учун мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси, биринчи навбатда, ҳозирги кун амалиёти талаб қилаётган тўрт сифатга эга бўлиши шарт:

- 1) замонавий мутахассис бўлиши;
- 2) ўзбек давлат тили, рус тили, инглиз тилларини мукаммал билиши;
- 3) доим ўз билим доирасини янгиллаб бориши ва
- 4) тадбиркор-ташаббускор бўлиши керак.

Маърифат (арабча “арафа”-“билмоқ” сўзидан) - таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ғоялар мажмуи асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият. “Маърифат” тушунчаси “маънавият” ва “маданият” тушунчалари билан чамбарчас боғлангандир; маърифат тарихи жамият тарихининг ажралмас қисмидир.

“Илм-маърифатга қизиқиши сушт миллатнинг келажаги ҳам бўлмайди”, дейди Ислом Каримов.

“Маърифат”-арабча сўздан олинган бўлиб, “илмли”, “зиёли” деган маъноларни англатади. Бу кишининг билимли бўлишини, муайян илмга эгаллигини англатувчи атама бўлиб, инсон маънавий камолатининг бир қисмини ташкил этади. Маърифатчилар ҳаракати деб XX аср бошида Махмудхўжа Бехбудий, Адбулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Авлоний каби зиёлиларнинг қилган ишларини назарда тутамиз.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг илм-маърифатга катта эътибор берилаётир. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари кенг миқёсда фаолият кўрсатиб бормоқда. Янги лицей, коллеж ва гимназияларда кўплаб ўзбек болалари билим олябдилар. Ҳозир хорижий тилларни ўрганишга катта аҳамият берилаётир. Ривожланган мамлакатларнинг нуфузли университетларига замонавий илмларни ўрганиш учун қобилиятли ёшлар юборилмоқда. Президент И.А.Каримовнинг махсус Фармони билан “Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази” тузилди, бу ташкилот давлатимиздаги барча маърифат, маданият ва маънавият ҳомийларини ўз атрофига жипслаштириб, маърифат ишини янги поғонага кўтармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Фармони

6-банддан иборат

“Маънавият ва маърифат” жамоатчилиқ марказини ташкил этиш тўғрисида

Тошкент шаҳри

1994 йил 23 апрель

1. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда, истиқлол йўлида буюк давлат барпо этишда маънавият ва маърифат омилларини ҳисобга олган ҳолда, умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлигига асосланган фуқаролик жамияти қуриш борасидаги фикр-мулоҳазаларни ва таклифларни эътиборга олиб, республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиқ маркази ташкил этилсин.

2. Марказнинг самарали фаолияти ва ўз мақсади йўлидаги вазифаларни изчил бажариши учун миллий тафаккурни ривожлантириш, маънавият ва маърифатни янада камол топтиришга кўмаклашиш ниятида, унга 6-8 босма табоқ ҳажмида “Тафаккур” номли журнални чоп этиш, ноширлик ишларини юритиш ҳуқуқи берилсин.

Маънавият (арабча «маънавият»-маънолар мажмуи) - кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, эстетик, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва

тушунчалари мажмуи. Маънавият мафкура, тафаккур тушунчаларига яқин ва улар бир-бирларини тақозо этади.

Маънавият *арабча* сўздан олинган бўлиб, “маъно”, “мазмун”, “маънолар мажмуи” деган маъноларни англатади.

Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон – эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.

Одамзод пайдо бўлиб, кўп минг йиллик тараққиёт жараёнида ўзини ўраб олган табиатни, турли ходисалар, воқеалар, ҳаётий жараёнларни кузатган, уларнинг сабаблари ва қонуниятлари тўғрисида мушоҳада қилган, турли тасаввур ва тушунчалар ҳосил қилиб келган. Маънавият инсоннинг бутун умри давомида унинг кучига куч қўшадиган, идрок ва ақл-заковатини кенгайтирадиган ва мустаҳкамлайдиган воситадир. Маънавият ва маънавий бойликлар, қадриятлар давлатнинг, халқнинг, миллатнинг, жамиятнинг, айрим шахсларнинг бебаҳо хазинаси ва тараққиёт манбаидир. Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва диний меросини ўрганиш, ундан халқнинг умумий ва бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. “Маънавият - инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди”, деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.

Мустақиллик даври миллий истиқлол маънавиятини тиклаш ва ривожлантириш, миллий тил ва маданиятни тараққий эттириш, миллий ўз-ўзини англаш, миллий ҳис-туйғуларни, ғурурни, ватанпарварликни ўстириш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқдир. Мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёти жамият аъзоларининг, ҳар бир шахс ва айниқса, ёшларнинг маънавий камолоти, истиқлол ғояларининг кишилар онгига, кундалик ҳаётига чуқурроқ сингишига боғлиқдир. Мустақил тараққиёт йўлида миллий онг ва миллий ўз-ўзини англаш маънавий камолотнинг асосий негизидир.

Маънавият соҳасида мустақил Ўзбекистон олдида муҳим вазифалар турибди. Улардан асосийси маънавиятимизни бойитиш ва мустаҳкамлашдир. Маънавият истибдод йилларида ҳар жиҳатдан камситилди ва танҳо ҳукмрон мафкурага бўйсундирилди. Илғор миллат ва ривожланган давлат бўлишнинг зарурий шартларидан бири - бой, сермазмун маънавиятга эга бўлишдир. Фақат моддий жиҳатдан бой ҳамда илғор бўлиш жамият норасолигининг холис кўрсаткичидир. Шу сабабдан Президент И.А.Каримов маънавият ва маърифатни кўтариш, тарғиб қилиш, бойитиш, аҳолининг кенг доирасига ёйиб, ҳар бир фуқаронинг юксак маънавий даражасини таъмин этишни энг долзарб масалалардан бири, деб қайта-қайта уқтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Фармони

14 банддан иборат

“Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида

Тошкент шаҳри

1996 йил 9 сентябрь

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ҳал қилувчи омилиди.

Одамларнинг ўзликларини чуқур англашини, мустақилликнинг қадрини тобора теран тушунишини, миллий тафаккурни кенгайтириш ва такомиллашувини, тарихий ҳурлик, мустақиллик руҳининг уйғонишини, таъминлаш маънавият соҳасидаги сиёсатимизнинг асосий мақсадига айланиши лозим. Аммо хануз жойларда маънавиятнинг моҳиятини, унинг олға силжишимиз, фаровон жамиятга тезроқ етишишимиздаги қимматини чуқур идрок этмаслик ҳоллари мавжуд.

Айрим катта-кичик раҳбарлар, зўравонлик мафкурасининг сарқитларида ҳалигача қутула олмай, бу борада кечириб бўлмайдиган оқсоқлик қилиб маънавиятнинг асл моҳиятини тушуниб етмаслик туфайли унга иккинчи джаражали иш сифатида қарамоқдалар. Маънавий-маърифий ишларга бўлган бундай эътиборсизлик келажаги буюк демократик, озод давлат қуришдек эзгу мақсадимиз рўёби учун мутлақо зиддир. Маънавият соҳасида олиб бораётган ишларимизни янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида:

Маънавий – маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши деб ҳисоблансин.

Жойлардаги маънавият билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилиши учун бутун масъулият шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари республикаимизда барча вазирликлар, идоралар, ташкилотлар биринчи раҳбарининг зиммасига юклатилсин.

1. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари ишини янада яхшилаш мақсадида ҳокимликлар уларни икки ой муддат ичида тегишли бино, замонавий жиҳозлар, транспорт ва техника билан таъминласинлар.

2. Ёшларимиз онгига она-Ватанга, буюк аجدодларимиз мероси ва бугунги мисли кқрилмаган бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш мақсадида уларни дунёни ҳайратга солган қадимий ёдгорликлар ва мустақиллик даврида бунёд этилган улкан иншоотлар, маърифат масканлари, юртимизнинг гўзал табиати билан мунтазам таништириб бориш учун махсус таништирув саёҳатлари ташкил этиш барча ҳокимлар зиммасига юклатилсин.

Бу мақсадда ҳокимликлар «Маънавият ва маърифат» маркази, Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Камолот» ёшлар жамғармаси тегишли тавсияларни 2 ой муддат ичида ишлаб чиқсин ва амалга оширишга киришсин.

3. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларини истиқлол ғояларини, миллий қадриятларни теран англайдиган фидойи, ташкилотчи, ташаббускор ходимлар билан мустаҳкамлаш учун уларнинг раҳбарлари шу йилнинг охирига қадар қайта синовдан ўтказилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ҳудудий бўлимлар раҳбарлари тегишли ҳокимликлар тавсиясига биноан Республика “Маънавият ва маърифат” маркази томонидан тайинланади.

5. Ёш авлодни буюк анъаналаримизга, юксак маънавий қадриятларимизга содиқлик ва порлоқ келажак эгалари эканликларига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш мақсадида 1997 йилдан бошлаб 1 октябр “Ўқитувчилар ва мураббийлар” куни деб эълон қилинсин ҳамда дам олиш куни ҳисоблансин.

Бу байрамда ўтказиладиган тадбирлар ўқитувчилар, мураббийлар, тарбиячилар соғлиғини ҳимоялашга, жисмонан ва руҳан соғлом камол топтиришга ўз ҳаётини бахшида этган инсонларни улуғлашга бағишлансин.

Вазирлар Маҳкамаси бу борада тегишли таклифни Олий мажлисга киритсин.

Жамият тараққиётининг ҳар бир жабҳасида бўлганидек, диний соҳада ҳам кескин ўзгаришлар рўй берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 31-моддаси қуйидагиларни эътироф этади:

“Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”.

Биринчи галда бу ҳол республикамиз қонун чиқарувчи органи томонидан 1991 йилнинг 14 июнь куни ҳукуматнинг дин ва дииндорларга бўлган эътиборини билдирувчи “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунининг ишлаб чиқилишида намоён бўлган бўлса, иккинчидан, маълум бир вақт ўтиб, 1998 йилнинг 1 май куни мазкур қонун янги таҳрирининг қабул қилиниши бўлди.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун 5-моддаси 3-бандига мувофиқ:

“Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қонуннинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар”.

Қонуннинг янги таҳрири кучга кирган кундан кейинги ўтган давр ичида республикамиз бўйича жами 2222 та диний ташкилот рўйхатга олинган бўлиб, шундан 2042 тасини исломий диний ташкилотлар ва 180 тасини ноисломий диний ташкилотлар ташкил этди.

Кейинги пайтларда хорижий давлатлар, хорижий халқаро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг диққат-эътиборини айнан мана шу 180 та ноисломий диний ташкилоти эгаллаб турибди.

Миссионерлик (миссия - лот. юбориш, топширик) - бирор динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш.

Диний миссия - 1) черков талқинида - элчилик, топшириқларини бажариш, муайян динни бошқа диний эътиқоддаги кишилар орасида тарқатиш;

2) миссионерлар қароргоҳи, одатда унинг ҳудудида черков, кичик бутхона ёки масжид, миссионер-монахлар ётоқхонаси, мактаб-интернат жойлашган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 26 мартда “Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори қабул қилинган.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида иш олиб бораётган кўп сонли миссияларнинг католик черкови ва бошқа христианлик черковлари бор. Мусулмон ташкилотлари ҳам диний миссияга эга.

Миссионерлик асосан христианликка нисбатан ишлатилса-да, кейинчалик бошқа динлардаги тарғибот ишларига нисбатан ҳам бу атама қўлланила бошланди.

Миссионерлар асосий эътиборни:

- аралаш миллат вакилларида иборат оилаларнинг аъзоларига;
- илгари ҳеч бир динга эътиқод қилмаган кишиларга;
- оғир хасталарга;
- жудоликка учраганларга;
- моддий қийинчиликка дуч келганларга;
- ахлоқ тузатиш муассаларидан чиқиб келганларга;
- моддий ва маънавий кўмакка муҳтож кишиларга қаратишади.

Миссионерлик ташкилотларининг мақсадлари асосан уч нуқтага қаратилган:

1. Халқларни христианлаштириш. Шу орқали уларни иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан ғарб давлатлари таъсир доирасига тушириш.

2. Халқлар ўртасида ўз эътиқодига шубҳа ўйғотиш, ишонч ва эътиқоддан юз ўгириш ва ундан чиқишга олиб келиш.

3. Христианликни қабул қилганларни ўз эътиқодида қаттиқ туришини таъминлаш ва шу орқали уларнинг сафини «янги христианлар» билан тўлдириш.

Бу мақсадларга эришиш учун улар ҳеч нимани аямайдилар ва доимо ўз услуб ва методларини такомиллаштириб борадилар, жумладан;

-Хайрия ёрдамни кўрсатиш, бунга биринчи навбатда моддий ёрдам киради, тиббий ёрдам ҳамда озиқ-овқат билан таъминлаш ҳам сабаб бўлади;

-Бепул христианликни тарғиб қилувчи маҳаллий тилда чоп этилган, жуда сифатли рангли ишланган китоб ва журналларни тарқатиш;

-Христианликка чақирувчи видео-аудио кассеталарни тарқатиш;

-Радио ва телевидения орқали жонли эшиттиришларни уюштириш ва бу билан аҳолини суҳбатга чорлаш;

-Кўргазмалар, спорт мусобақаларини ташкил этиш ва бу тадбирларда қатнашувчиларга совғалар бериш;

-Тиббий, таълим-тарбия соҳасига мухсус кадрларни юбориш (тиббий хизматчи, ўқитувчи-мураббий каби);

-Ёлғиз қолган кишиларга чақирув мактубларини йўллаш;

-Ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатиш;

-Миссионерлик руҳидаги кутубхона, инглиз тили ва компьютер ўргатиш хона ва клубларини ташкил этиш;

-Ўз сафларига қўшилганларни моддий рағбатлантириш, уларни хорижий сафарларга юбориш ва иш билан таъминлаш;

-Ўз мамлакат ва ҳудудларига саёҳат қилгани келганлар билан ишлаш.

Марказий Осиёнинг жаҳон геосиёсий тизимидаги аҳамияти ортиб бораётган бир пайтда, минтақада том маънода марказий ўрин эгаллаган юртимизни диний шиорларни ниқоб қилиб олган кимсалардан ҳимоя қилиш, асл динга мансуб қадриятларни асраб-авайлаш, фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириши учун зарур шароитларни яратиб бериш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, қадимий муштарак анъаналарни ривожлантириш долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

3

Мустақиллик йилларининг номланиши

1991 – Ўзбекистоннинг мустақиллиги эълон қилинган йили.

1992 – Мустақилликнинг қонуний асосланиш йили.

1993 – Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги.

1994 – Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги.

1995 – Ғалабанинг 50 йиллиги.

1996 – Амир Темурнинг 660 йиллиги.

1997 – Инсон манфаатлари йили.

1998 – Оила йили.

1999 – Аёллар йили.

2000 – Соғлом авлод йили.

2001 – Оналар ва болалар йили.

2002 – Қарияларни қадрлаш йили.

2003 – Обод маҳалла йили.

2004 – Меҳр ва мурувват йили.

2005 – Сихат ва саломатлик йили.

2006 – Шифокорлар ва хомийлар йили.

2007 – Ижтимоий ҳимоя йили.

2008 – Ёшлар йили.

2009 – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили.

2010 – Баркамол авлод йили.

2011 – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили.

2012 – Мустаҳкам оила йили.

2013 – Обод турмуш йили.

2014 – Соғлом бола йили.

2015 – Кексаларни эъзозлаш йили.

Инсонни маънавий юксакликка қўтарадиган омиллар¹:

- Дуо ва ибодат қилиш - одамни руҳан поклайди.

¹ Икромова Ҳ.З., Зайнитдинова А.Н. “Баркамол авлод тарбиясида дунёвий ва диний қадриятларимиз уйғунлиги”. -Тошкент: Университет, 2009. 48 бет.

- Олам сирлари ҳақида фикр юритиш - одамни маънавий бойитади.
- Диний ва дунёвий китоблар ўқиш - ўз-ўзини англашга ёрдам беради.
- Улуғ кишилар билан суҳбатлашиш - одамга маънавий кўмак беради.
- Бедорлик - иродани тарбиялайди.
- Рўза тутиш - одамни еб-ичишдан тияди.

Инсон саломатлига салбий таъсир қиладиган сабаблар:

- Қаҳр - ғазаб
- Хафачилик - алам
- Айбдорлик хисси
- Инжиқлик
- Ҳаётдан кўркиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

11 банддан иборат

Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида

2006 йил 25 август

ПҚ-451

Тошкент шаҳри

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий кадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ҳалқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу борада тегишли идора ва ташкилотлар, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилаётганини қайд этиш лозим.

Мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини, уларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида ҳамда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг навбатдаги йиғилишида билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига Республика Маънавият ва маърифат кенгашига раислик қилиш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимларига эса ҳудудий кенгашларга раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари штатлар жадвалига қўшимча равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўғорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси штати (жами 14 та штат бирлиги) киритилсин.

Республика маънавият ва маърифат марказининг раҳбарлари:

1. Академик Эркин Юсупов. 1994-1996 йиллар.
2. Ёзувчи Неъмат Аминов. 1996-1999 йиллар.
3. Журналист Аслиддин Болиев. 1999-2004 йиллар.
4. Журналист Қуддус Аъзамов. 2004-2006 йиллар.

а) МҒМИАМ раҳбари п.ф.д. Муҳаммаджон Қуронов. 2006 йилдан ҳозиргача.

б) МТМ раҳбари шоир Мирхожиддин Мирзо. 2006-2010 йиллар.

5. б) МТМ раҳбари шоир Ғулом Мирзо. 2010-2013 йиллар.

6. б) МТМ раҳбари с.ф.д. Қаҳрамон Қуронбоев 2013 йилдан ҳозиргача.

Сирдарё вилояти “Маънавият ва маърифат” маркази раҳбарлари:

1. Воҳид Турдиев. 1994-1996 йиллар.

2. Холмирза Шакаров. 1996-1997 йиллар.

3. Илҳом Юсупов. 1997-1998 йиллар.

4. Ҳабубилло Абдукаримов. 1998-1999 йиллар.

5. Солижон Қудратов. 1999-2013 йиллар.

6. Ғайбулло Юсупов 2014 йилдан ҳозиргача.

2005 йил 13 августида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Республика маънавият ва маърифат марказининг “Ўқувчи-талабалар онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда таълим-тарбиявий ишларни ўзаро уйғун ҳолда ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар”и эълон қилинди.

Фан бўйича Педагог ходимларнинг барча малака тоифаларининг билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Миллий ғоя ва маънавият асослари” фани орқали тингловчилар:

- миллий ғоя ва мафкуранинг мазмун-моҳиятини билиш ва улардан амалиётда фойдаланиш;

- миллий ғоянинг тарихий негизларини, фалсафий асосларини ўрганиш ва уларнинг ривожланиш қонуниятларини билиш;

- ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақидаги муқобил ғояларни қиёсий таҳлил қилиш ва уларга мустақил муносабат билдириш;

- ғоявий-мафкуравий жараёнларга доир назарий билимларни амалий ҳаётда қўллаш;

- маънавий таҳдидларга қарши кураш кўникмасини шакллантиришдан иборат.

2-мавзу: МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИНГ ЎРНИ

Режа:

1. Ғоя ва мафкура тушунчаларининг мазмун моҳияти.
2. Фуқаролик жамияти тушунчаси.
3. Ўқувчи-ёшлар онгига миллий ғоя ва мафкурани сингдириш.

1

Ғоя-идея-юнонча тушунча бўлиб, “фикр” демакдир. Идея тушунчасини фанга биринчи бўлиб Платон киритган. Идеология эса ғоялар ҳақидаги таълимотдир.

Мафкура-арабча тушунча бўлиб, “фикрламоқ”, “фикрлаш” деган маънони билдиради. Мафкура ёки идеология тушунчаси дастлаб француз марифатпарварлари Де-Трасе ва Д’аламберлар томонидан истефода этилган.

Ғоя-энг кучли, таъсирчанг, залворли фикрдир.

Ғоя-одамнинг ички дуннёсигача кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи фикрдир.

Ғоя-эзгу ва ёвуз мақсадлар сари етаклайдиган фикрлар мажмуидир.

Мафкура-ижтимоий гуруҳнинг мақсадларини ўзида ифодаладиган ғоялар тизими.

Мафкура-ғоялар ҳақидаги таълимотдир. Де-Трасе.

Мафкура-жамиятни, жамоани орзу-умидларини ўзида ифодалаган, ўша жамоани ишонтириб, сафарбар этувчи, узоқ ва яқин келажакка сафарбар этувчи ният, режа ва мақсадлардир.

Ғояни белгилари:

- ижтимоий фикр
- билишнинг ўзига хос шакли
- ўзида мақсадларни ифодалайди
- амалий ҳаракатга ундайди
- муайян мафкурани таркибий қисми
- энг таъсирчанг, кучли ва залворли фикр
- илмий далил
- муаммо
- фараз-гипотеза
- назария

Ғоянинг таснифи:

- моҳиятан ижтимоий
- синфий
- фирқавий
- тарихий

Ғоянинг хоссаси:

- ифода воситаси
- маънавий-руҳий таянч
- мақсадга йўналтирилган

Ғоянинг турлари:

I. Мазмунига кўра:

- илмий
- фалсафий
- диний
- бадий
- ижтимоий
- сиёсий
- иқтисодий
- ҳуқуқий
- тарихий
- ахлоқий

II. Кўламига кўра

- шахсий-дунёқараш
- миллий
- умуминсоний III. Намоён бўлишига кўра:
- бунёдкор
- бузғунчи-вайронкор

Мафкура қуйидаги тизимга эга бўлади:

Ҳар бир нарсга ўз таркибий тузилишига, тизимига эга бўлади. Шу жумладан миллий мафкурамиз ҳам: 1. Илдизлари. 2. Мақсадлари 3. Негизлари. 4. Турлари. 5. Бош ғояси. 6. Бош шиори. 7. Асосий ғоялари. 8. Яратувчиси. 9. Тадбиқчилари. 10. Усуллари.

1. Мафкуранинг илдизлари:

1. Фалсафий: -ахлоқий -нафосатий
2. Дунёвий: -илм-фан, -тарих, -сиёсат, -санъат
3. Диний: -уруғ-қабилавий, -миллий, -жаҳон динлари
4. Маънавий: -қадриятлар, -руҳият, -мерос, -урф-одатлар, -мифология
5. Тарихий: -миллий, -минтақа, -жаҳон

2. Мафкуранинг мақсадлари:

- ғояга ишонтириш
- уюштириш
- сафарбар этиш
- маънавий рағбатлантириш
- ғоявий тарбиялаш
- ғоявий иммунитетни шакллантириш
- фаолиятга ундаш
- ҳаракат дастури бўлиш
- ғоялар тизимини амалга ошириш

3. Мафкуранинг негизлар:

- | | |
|----------------------|-----------------------|
| 1. Ватанпарварлик. | 6. Тинчлик. |
| 2. Инсонпарварлик | 7. Ҳамкорлик. |
| 3. Демократия. | 8. Яратувчанлик. |
| 4. Байналминаллик. | 9. Маърифатпарварлик. |
| 5. Тараққиёт-равнақ. | 10. Эркинлик. |

Ватанпарварлик - барча замонларда айнан истиқлол ва мустақиллик даврида кенг ҳамкорлик маъносини касб этади. Гарчи ватанпарварлик ахлоқий категория бўлса-да, барча мафкура, ғоя тур ва тизимларида фаол қатнашади.

Инсонпарварлик - оламдаги жамики нарсалар инсон ва унинг бахт-саодати учун яратилган. Юртбошимиз ибораси билан айтганда, “Инсонпарварлик бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир”. Шу маънода гуманизм, инсонпарварлик мафкурани асосий негизларидан бирини ташкил этади.

Демократия - (халқ ҳокимияти) бу кўпчиликни ҳокимият бошқарувида ўз вакиллари билан қатнашувидир.

Байналмилаллик - (арабча миллатлараро) жаҳондаги барча миллат ва элатларининг тенглик, ҳамжиҳатлик назарияси ва амалиёти.

Тараққиёт – равнақ, давлат ёки жамиятни иқтисодий сиёсий ва маънавий соҳада ўсиши, такомиллашуви.

Тинчлик - жамият ижтимоий қатламларини ва турли давлатларни ўзаро келишиб, ички ишларига аралашмасдан фаолият юритиши.

Ҳамкорлик – давлат муассасалари ва инсонлар, давлатларни ўзаро тараққиёт учун олиб борадиган иқтисодий, сиёсий ва маънавий алоқалари.

Яратувчанлик – меҳнатсеварлик – инсон бор экан у яратувчилик билан машғул бўлади, меҳнат қилади. Меҳнат объектив оламни инсонлар томонидан мақсадли ўзлаштиришга қаратилган фаолият туридир.

Маърифатпарварлик – кишиларни билимга чорлаш, билимдон, зиёлиларни кадрлаш жараёни.

Эркинлик – кишиларни бутун имкониятларини рўёбга чиқариши учун лозим бўлган, яратилган муҳит.

Мафкуранинг турлари:

I. Ижтимоий онг шаклига кўра:

- фалсафий
- ҳуқуқий
- сиёсий
- диний
- ахлоқий
- эстетик

II. Кўламига кўра:

- шахсий-дунёқараш
- даврий-истиқлол мафкураси
- миллий
- умуминсоний

III. Манфаатига кўра:

- оилавий
- касбий
- синфий
- партиявий
- давлат
- жамият

IV. Моҳиятига кўра:

- ижобий-бунёдкор-маърифат-озодлик
- салбий-бузғунчи-жаҳолат-зулмат

V. Илмийлигига кўра:

- илмий
- ноилмий-ғайри илмий

VI. Амал қилишига кўра:

- реал-амалий
- утопик-хаёлий

2

Мамлакатимиз истиқлол даврида йилдан-йилга ривожланиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли жабҳаларида улкан аҳамиятга молик ютуқ ва натижаларга эришиб, жаҳон ҳамжамиятида тобора юксак мавқега эга бўлиб бормоқда. Бунда давлатимиз раҳбари томонидан сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши борасида белгилаб берилган стратегик мақсад ва унга босқичма-босқич эришиш бўйича аниқ ишлаб чиқилган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши муваффақиятлар асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолиятлари йўлга қўйилди;

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг асоси бўлган демократик институтларни шакллантириш ва ривожлантириш жарёнларига доир ислохотлар тобора чуқурлашиб бормоқда.

Фуқаролик жамияти¹ - конституциявий ҳуқуқ назариясида ҳуқуқ ва демократияга асосланган ижтимоий ҳаётнинг ташкил этилиши. Бунда инсониятга эркин иқтисодий ва сиёсий ҳаёт шаклини танлаш кафолатланади, инсон ҳуқуқлари мафкурада плюрализм (фикрлар хилма-хиллиги) таъминланади. Фуқаролик жамияти жамиятга хизмат қилувчи давлат фаолиятини назорат қилади.

Фуқаролик жамияти нима?² Фуқаролик жамияти барпо этиш бизнинг идеал орзумиз, вазифамиз ёки узоқ келажакка мўлжалланган стратегиямиз эмас, балки бугун яратилаётган ҳаётий воқеликдир. Унинг моддий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий, маънавий асослари, заминлари мавжуд. Аввало, шуни таъкидлашимиз жоизки ҳуқуқий давлат билан фуқаролар жамиятини бир-биридан ажратиш мумкин эмас.

Фуқаролар жамиятининг йўналиши, мазмуни, моҳияти шундан иборатки, бу жамиятда фуқаролар бир томондан саводли, маърифатли, маънавияти юксак бўлиши билан бирга, ўз-ўзини бошқариш жараёнида жамият ишларини ҳам бошқаради. Иқтисодиётни буйруқ билал режалаштиришга, марказлашган маъмурий бошқаришга чек қўйиб, давлатни ҳукмрон бўлишига чек қўяди. Фуқаролар жамиятида, фуқаролар ички давлат ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қиладилар.

Жамиятдаги фуқаролар инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқ бўлган ҳолда ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги маъсулиятни онгли

¹ Юридик атамалар қомусий луғати. –Т.: Шарқ, 2003. 331 бет.

² Абдивосит Йўлдош қори ўғли. Мустақил Ўзбекистон: демократия, маънавият ва мафкура масалалари. – Фарғона: 1997. 56-57 бетлар.

англайдилар. Ижтимоий адолат, демократик тафаккур, инсонпарварлик принципларига содиқ ҳолда, тинчлик ва миллий тотувликни таъминлайдилар.

Суверен Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий асосини фуқаролик жамияти ташкил этади:

1.Бу жамият халқ миллат мустақиллигининг табиий, иқтисодий, сиёсий, социал заруриятининг онгли англаangan фаолиятидир.

2.Бу жамият ўз фуқароларига ҳаёт ва турмуш тарзининг мавжудлик ва яшаш шакилларини эркин танлаш имкониятини беради.

3.Бу жамият фуқароларининг ижтимоий мавқеидан қатъий назар, бир хил ҳуқуқларга эга эканлигини қонун устуворлиги билан муҳофаза қиладиган жамиятдир.

4.Бу жамият ҳурфикрлилик ва виждон эркинлигига асосланган бўлиб, ҳар қандай мафкура, дунёқараш ҳукмрон бўла олмайди.

5.Фуқаролик жамиятининг давлати ҳуқуқий давлат ҳисобланади. Бу давлат фуқароларига маънавий маданий бойликларини яратишга, бойитишга ва уни раванқ топишига имкониятлар очиб берадиган дунёвий давлатдир.

“Биз фуқаролик жамиятини қуришга интилмоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини-ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир...

...Фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умуммиллий манфаатларга дахлдор энг муҳим вазифаларнигина амалга оширади. Мудофаа, давлат ҳавфсизлиги, сиёсат, пул-молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунчилиқни ривожлантириш шулар жумласидандир.

Ана шундай давлат ва жамиятни қуриш, ҳуқуқий демократик қадриятларни вужудга келтириш - бизнинг бош концепциямиз ва миллий раванқимиз асосидир”¹.

Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш гоёси.

Президентимиз томонидан "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли", "Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари" асарларида кучли давлатдан кучли жамият сари ўтиш йўлини, мана шу назарий масаланинг моҳиятини атрофлича ёритиб, уни Ҳаётимизда, амалиётингизда ҳал қилувчи сийёсага айлантириш нафақат бугунги, балки эртанги кунингизнинг ҳам энг муҳим ва долзарб вазифаси эканлигини белгилаб берган эди.

Энг аввало, қонунга риоя этиш, қонун билан яшаш ва ишлаш, уни ҳурмат қилиш лозим. Бойлиги куч-қудрати ёки эгаллаган мансабидан қатъий назар ҳар бир шахс ўрнатилган қоидаларга сўзсиз амал қилиши кучли жамият қуриш гаровидир. Бунинг учун ҳуқуқий онг ва маданиятни ҳар бир кишига сингдириш зарур. Яна бир муҳим масала, Демократик сайлов тизимининг янада такомиллаштиришдир. Сайловларда фуқароларнинг нафақат ҳуқуқлари, балки мажбуриятлари ҳам кучайтирилиши керак. Жамиятнинг кучли бўлишида

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. –Т.: 1995. 4-15 бетлар.

сиёсий партиялар (ХДП, ЎзЛиДеП, Адолат, Миллий тикланиш партиялари) ҳам алоҳида ўрин тутди.

Кучли жамиятга эришишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Кучли давлатдан кучли жамият. сари боришда рўёбга чиқариладган барча ислохотларнинг амалга оширишга масъул раҳбар кадрларни лаёқатига, уларнинг ташаббускорлигига, ҳалоллигига, иймон-этиқодига ва бошқа фазилатларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу боис ҳам Миллий дастур, уни амалга ошириш учун ўтказилаётган тadbирлар, ажратилаётган маблағлар кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишга қаратилган воситалардандир.

“Кучли давлатдан кучли жамият сари” концепцияси.

Мамлакатимиз Президенти И.Каримов ўзининг "Кучли давлатдан кучли жамият сари" дастурда ҳар бир фуқаро, ҳар бир ватандошимизнинг бугунги ва келажак манфаатлари ўз ифодасини топиши лозим", - дейди. Бинобарин, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишнинг асосий воситаси бўлган миллий ғоя ана шу дастурнинг асосий негизларидан биридир.

Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш назариясининг асосчиси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов фикрларидан хулоса қиладиган бўлсак, унинг учун қўйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши лозим:

Биринчидан, қонун устиворлиги, фуқароларнинг қонунларга сўзсиз итоат этиши.

Иккинчидан, бой миллий маънавий меросимизга таяниш.

Учинчидан, жамият иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш ва демократлаштириш.

Тўртинчидан, кишиларнинг эркинлиги ва манфаатларини ҳимоя қилиш.

Бешинчидан, демократик жамият шаклланиши жараёнида нодавлат, нотижорат ташкилотларининг, жамоат бирлашмаларини ролини ошириб бориш.

Олтинчидан, демократик жамият барпо этишда маҳалла ижтимоий институтининг ролини ошириб бориш.

Еттинчидан, демократик жамият шаклланиши жараёнида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш ва адолат тамойилининг қарор топиши.

Ўзбекистонда миллий давлатчиликнинг қарор топиши ва такомиллашуви бир қатор ижтимоий сиёсий муаммолар билан узвий боғлиқ бўлади. Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни хал қилиниши, диний қадриятларимизни тикланиши, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши ва бошқалар, шубҳасиз, мамлакатимизда кучли жамият шаклланишини таъминловчи муҳим ва тарихий аҳамиятга молик омиллардир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг *“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”* (демократик ўзгаришларнинг 6 устувор вазифалар):

I. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш

II. Суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш

III. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш

IV. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш

V. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш

VI. Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш

3

Миллий ғурур — миллатнинг ўз-ўзини англаши натижасида содир бўладиган доимий ички руҳий кўтаринкилик. У ўз она замини, авлод-аждодлари томонидан қолдирилган моддий, маънавий меросдан, ўз миллатининг жаҳон цивилизациясига қўшган улушларидан, ўзга миллатлар олдидаги қадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссиётидан иборат. Миллий ғурур ўз миллатининг чинакам фидойиси бўлган ҳар бир инсонга хос ички руҳий туйғудир. Ўз миллатини севадиган ҳар бир инсон, унинг ютуқлари, обрў-эътибори билан фахрланади, завқланади, унинг муаммоларига бефарқ қараб тура олмайди. Миллий ғурури юксак инсон, ўз элига, миллатига жонкуяр бўлади, унинг муваффақиятларидан ич-ичидан фахрланади, қувонади. Миллий ғурур ҳар бир кишида ўз миллатининг моддий, маънавий меросларини ўзлаштириш, урф-одатлари, анъаналари, қадриятларини ва тарихини мукамал билиш ҳамда уни ўзга миллатларники билан қиёслаш натижасида шаклланади. Бунинг натижасида унда ўз миллатига меҳр-муҳаббати ошиб боради.

Миллий ғурури мустаҳкам бўлган миллат вакилларининг бирлиги ҳам мустаҳкам бўлади, бундай миллатни қурол кучи билан енгиш мумкин эмас, уни маънавий-руҳий жиҳатдан ҳам енгиб бўлмайди. Унинг ички руҳий қудрати миллат қадрини кўтаришнинг энгилмас салоҳияти сифатида сақланиб қолади ва миллатни ривожлантиришнинг мустаҳкам замини бўлади. Бунга жаҳонда миллатлар ривожланиши тарихидан кўплаб ёрқин мисолларни келтириш мумкин.

Ўзини ўзбек миллатининг вакилиман, деб ҳисоблайдиган ҳар бир инсон аждодларимиздан қолган бой моддий ва маънавий меросдан, жаҳон цивилизациясига қўшган буюк ҳиссаларидан, уларнинг чинакам ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик, Ватан озодлиги йўлида кўрсатган жасорат ва мардликларидан фахрланади ҳамда уларнинг анъаналарини давом эттириш азму қарорига эга бўлади. Бугунги кунда Ватанимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши ҳар бир ўзбекнинг миллий ғурурини оширди, унинг қаддини ростлади ва унда ўз халқи, она замини, авлод-аждодлар олдида миллат манфаатларини ҳимоя қилиш масъулияти ва руҳиятини шакллантирмоқда. Ўзбек миллатининг ўз Ватани мустақиллигидан фахрланиш туйғуси ўсиб бормоқда, вужудга келган муаммоларни вазминлик билан ҳал этиш ва Ўзбекистоннинг жаҳонда обрў-эътиборини мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Чунки миллий ғурур фақат фахрланиш руҳияти бўлиб қолмай, миллат тақдири, келажаги йўлидаги масъуллигини ҳис эта билиш салоҳияти ҳамдир.

Миллий ғурур масаласи истибдод даврида барча миллатларда, шу жумладан, ўзбек миллатида энг камситилган ва онгли равишда ҳукмрон

мафкура томонидан заифлаштирилган миллий ҳис эди. Чунки, миллий ғурурнинг ўсиши, мустаҳкамланиши истибдод тузумининг миллатларни жадаллик билан яқинлаштириш ва қўшиб юбориш сиёсатига зид эди. Ҳолбуки, миллатнинг кучи, салоҳияти, бунёдкорлик фаолияти кўп жиҳатдан миллий ғурурга боғлиқ. Ўз миллатини таниган, унга мансуб эканлигидан мағрур кишигина бу мағрурлик ҳиссини саклашга, мустаҳкамлашга ва ўз миллатининг пастлашиб, қоқоқлик гирдобида қолиб кетмаслиги учун курашдек олижаноб ишга ўзини доим сафарбар этади.

Афсуски, чоракам бир аср давом этган истибдодлик тизимининг тарғиботи ва ташвиқоти кишиларга салбий таъсир этмасдан иложи йўқ эди. Шунинг оқибатида миллий ғурур бўшабди, кишилардаги миллий ғурур тушунчаси кўп жиҳатдан ўз сифатлари ва қирраларини йўқотди. Миллий ғурурни мустаҳкамлаш ва бойитиш учун, биринчидан, ўз тарихимизни, халқимизнинг инсоният олдидаги хизматларини яхши билишимиз; иккинчидан, ҳозирги ҳаётимизда юксак миллий ғурурга эга бўлишга ҳақли эканимизни кундалик сифатли меҳнат, жаҳон андозалари ва мезонларига жавоб бера оладиган хилма-хил маҳсулот ишлаб чиқаришимиз, мазмунли маънавий ҳаётимиз билан тасдиқлаб боришимиз зарур. Миллий ғурур ўз миллатини бошқа миллатларга қарши қўйишни инкор этади. Бошқа миллатларнинг барча ютуқ ва илғор томонларини қабул қилиб олиб, миллий асосда ўзлаштириш миллий ғурурнинг таркибий қисмидир. Бунингсиз миллатнинг ғурури қашшоқлашади.

Миллий ғурур масалалари, истибдод тузумининг таъсирида, «қалтис» мавзулар қаторидан жой олган эди. Ваҳоланки, миллий ғурури йўқ киши ўз миллатининг ва бошқа миллатларнинг ҳаётига, ўтмишига, уларнинг инсоният олдидаги хизматларига қизиқмайди ва шу сабабли ё ўз миллатини, ё бошқа миллатларни ҳурмат қилмайди. У – “умуман инсон” ва шу сабабли ўз билими, салоҳиятини миллат тараққиётига давр талаби даражасида сафарбар қилолмайди.

Қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ маънавияти ва маданияти, балки жаҳон тамаддунининг мўътабар бешикларидан биридир. Ватан ҳисси нақадар муқаддас, мафтункор туйғу. У мўъжизалар диёри, жаннатмакон юрт. У халқимиз ва ота-боболаримизнинг тинимсиз меҳнати ила бунёд этилган.

Тарихдан маълумки, қадим замонларда Шош мулкида, яъни Тошкент вилоятида Чирчиқ дарёсидан бўлак оқар сув бўлмаган. Археолог олим, академик Яхё Ғуломовнинг тадқиқотларига кўра, бундан уч минг йиллар илгари аجدодларимиз Чирчиқ дарёсини тўғон билан тўсиб, ариқ қазиб Тошкентга сув олиб келган, воҳани обод қилишган. Одамлар меҳнати билан қазилган катта ариқ Бўзсувдир. Ҳозирги кунда Бўзсувни, унинг ирмоқлари бўлмиш Қорасув, Золарик, Салор, Кайковус, Анҳор, Қичқирик, Қорақамиш ва шу кабиларни кўпчилик сунъий суғориш шохобчапари - каналлар эканини тасаввур ҳам қилолмаслиги мумкин. Бундай мисолларни Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах, Хоразм, Қорақалпоғистон Республикасидан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Катта Фарғона канали қазилишининг ўзи бир дoston.

Ҳа, инсонда Ватан ҳисси, фахр-ифтихор туйғуси шу Ватаннинг эгаси бўлмиш халқни билишдан, унинг қадрига етишдан, нималарга қодир бўлганини тан олишдан, буюклигини эътироф этишдан бошланади. Ватан ва халқ - эгизак, муштарак тушунча. Бирини ҳис этиш учун иккинчисини билмоқ керак. Ўзбекистон деганда ўзбек халқини, ўзбек халқи деганда Ўзбекистонни тушунмоқ керак. Қачон инсоннинг қалби ғурурга, фахр-ифтихорга тўлади? Қачонки, инсон ўзи яшаётган юрти, Ватани, унда ҳаёт кечираётган одамларнинг орзу-интилишлари ва қилаётган меҳнатлари самарасидан, бир сўз билан айтганда, бахти, толедан қониқиш ҳосил қилсагина унинг қалбида ғурур ва ифтихор туйғулари жўш уради. Янги-янги марралар сари чоғланади.

Миллий ифтихоримиз, ғуруримиз негизида, ҳеч шубҳасиз, келажаги буюк, мустақил давлатимиз, халқимизнинг унутилмас анъаналари, урф-одатлари, кўп минг йиллик тарихий қадриятлари ва албатта, бетакрор она заминимиз, тилимиз туради. Бу табаррук заминдан етишиб чиққан олиму-уламолар, фозилу-фузалолар, юртимизда униб-ўсиб, улғайиб, камол топган буюк апломалар, жумладан, Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Мирзо Улуғбек, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Носириддин Рабғузӣ, Алишер Навоӣ, Заҳириддин Бобур, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат, Муҳаммад Аминхўжа Муқимий, Комил Хоразмий, Муҳаммад Ризо Огаҳӣ, Маҳмудхўжа Бехбудӣ, Абдулла Авлонӣ, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби буюк бобокалонларимиз ва улуғ сиймоларининг мамлакатимиз равнақи йўлидаги беқиёс хизматлари, биз учун қолдирган маънавий хазинаси ҳар биримизга чексиз ғурур бахш этади.

Ифтихоримиз бўлган миллий анъана, урф-одат, расм-русум, таомил, маросимларнинг вужудга келиши, ривожланишига бир қанча омиллар бевосита ва билвосита таъсир кўрсатган. Тарихий тараққиёт маҳсули бўлган миллий урф-одатларимизга моддий-маънавий муҳит, табиат ва жамиятдаги ўзгаришлар, хўжалик муносабатларининг таъсири беқиёс бўлиб, вақт ўтган сари улар тобора мустаҳкамланиб, аجدодлардан авлодларга мерос бўлиб келган. Шунингдек, халқимизнинг қадимги миллий қадриятлари бугунги кунда ўзига хос тарзда ривожлаётган шаҳарсозлик ва меъморлик анъаналари, бой фольклор намуналари, ёзма мерос, адабиёт, санъатга бўлган қизиқишларда, Наврўз, Меҳржон байрамлари, гул сайллари, ҳоси байрамлари ҳамда никоҳ тўйлари, суннат маросимлари билан боғлиқ удумлар, расм-русумларда акс этмокда. Бу байрамлар, тўй ва маросимларда ўзбек халқининг мардлик, лафзи ҳалоллик, бағрикенглик, саховатпешалик, ҳожатбарорлик сингари хислатлари ёрқин ифодасини топган. Жаҳон ҳамжамиятида аجدодларимизнинг дунёқараши, уларнинг тафаккур услуби ва ахлоқий идеаллари, давлатчилик ғоялари, миллий маданиятимизнинг ўзига хос хусусиятларини билиш зарурияти тобора ошиб бормокда. Айниқса, мамлакатимизнинг мустатақилликни қўлга киритиши, суверен демократик давлат сифатида ўзига хос ва мос йўлдан тараққий этиши дунё халқларида катта қизиқиш уйғотаяпти. Мустақил Ўзбекистон бугунги кунга келиб, жаҳонга танилди, ижтимоий- иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан юксалди. Бу ўз навбатида инсоният яратган маънавий бойликларга, инсоннинг

Ўзига нисбатан янгича муносабат, янгича ёндашувни юзага келтирди. Таъкидлаш жоизки, мустақиллик тушунчаси миллатнинг уйғониши ва маънавий юксалиши билан боғлиқ жараёнлардир. У миллатнинг маънавий тикланиши, юксалиши, ўзлигини теран англашини тоқозо этиши билан бирга ҳар бир шахснинг ақл-идроқи, мантиқий фикрлаш қобилияти, айти пайтда, интеллектуал фаоллигини ҳам талаб қилади. Мантиқий фикрлаш эса комил инсон ҳақидаги ғояларнинг ривожланишини англаш, шубҳасиз, ҳозирги вақтда жамиятни маънавий бойитиш, миллий онгни ривожлантириш, шахс маънавий-ахлоқий камолоти билан боғлиқ жараёнларни чуқурроқ тушуниш, талқин қилишга кўмаклашади. Инсоннинг барча мавжудотлардан юксак жиҳати бу унинг фикрлаш қобилиятидир.

Инсон тарбияси, унинг баркамоллиги, мукаммал жамият куриш каби ахлоқий ва ижтимоий муаммолар нафақат адиблар, мутакаллимларни, балки турли соҳа мутахассислари-ю, машҳур алломаларни ҳам қизиқтириб келган. Ахлоқий тарбия ва комил инсон концепциясини яратиш масалаларига, хусусан, Фаридуддин Аттор, Жалолоддин Румий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг илмий-иждодий меросида ҳам катта эътибор қаратилган. Жалолоддин Румий ҳазратларининг таъкидлашича, фикр жузъийдир, яъни у моддий олам асосида шаклланади. Тафаккур эса шу жузънинг ботиний ақл билан уйғунлигидир. Чунки оламнинг моддий-маънавий тузилиши, курилиши, унинг ривожи, инсоннинг моддий-маънавий яшаш шароити, имкониятлари, шунингдек, жисмоний-ахлоқий ҳолатлари билан узвий боғлиқ.

Инсонлар бир-бирларидан ўзига хос ўй-хаёллари, мушоҳадалари, тафаккур олами билан фарқланади. Фикр тарбияси ҳақида буюк педагог Абдулла Авлоний шундай дейди: «Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери амал қилиниб келган, муаллимларнинг диққатига суянган, виждонига юкланган муқаддас бир вазифадир. Фикр инсоннинг шарофатли ва ғайратли бўлишига сабаб бўладур. Бу тарбия муаллимларнинг ёрдамига сўнг даражада муҳтождирки, фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлиқдур, дарс ила иккиси бир-биридан айрилмайдурғон, бирининг вужуди бирига жойлангандир».

Яхши фазилатлар қалбида макон курган ва уларни ҳаёти давомида янада сайқаллаб, такомиллаштириб борган инсон камолотга эришиб бораверади. Ўзининг ақл-заковати, саводхонлиги ва билимини ошириб, доимо камолотга интилган, касбий малакаси устида муттасил ишлаган инсон гўё қуёш сингари атрофга зиё, нур сочиб туради. Қуёш ўз нури билан ҳам иситиб, ҳам ёритганидек, комил инсон ҳам юртига, Ватанига фақат яхшилик келтиради, унга маънавий озуқа ва эзгулик бахш этади.

Маънавий комиллик деганда, албатта, инсоннинг ҳар томонлама камолоти, яъни ҳам ботиний, ҳам зоҳирий дунёсининг шаклланиши, ички руҳий кечинмаларининг тўғри ва пок ниятга қаратилгани, тил билан дилнинг бирлиги кабиларни тушунмоқ керак. Комил инсон, аввало, дунё - бизни ўраб турган атроф-олам ҳақида чуқур билимга эга бўлши лозим. Шу идрок, билимнинг ўзи инсонни доимий камолотга етаклайди. Нега деганда, дунё ҳаракатда,

ривожланишда бўлар экан, ўз-ўзидан инсонни ҳам ҳамқадам бўлишга, ҳаракат қилишга мажбур қилади.

Миллий ғурур эса унинг бир муҳим жиҳатини ташкил этади.

Мустақил Ўзбекистонда фуқароларимизнинг миллий ғурурини кўтариш, бойитиш ва мустаҳкамлаш - энг долзарб, мураккаб ва бажарилиши зарур вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 23 апрелдаги ““Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасини тузиш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.

Жамғармани ташкил қилишдан мақсад-истибдод йилларида захарли дориларнинг қўлланилиши ва экологиянинг бузилиши заифлашган авлодларни ва янги туғилаётганларни соғломлаштириш, оналар ва болалар санитария ва гигиенасини давр талаби даражасига кўтаришдан иборат эди.

Жамғарманинг барча вилоятларда, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳудудий бўлимлари тузилган, мамлакатнинг ҳар бир туманида “таянч масканлари” ташкил қилинган. Улар жойлардаги жамғарма бўлимларининг тарғибот, тиббий-ижтимоий ва маънавий-тарбиявий ишларини уюштирувчи марказлар ҳисобланади. Тошкентда “Соғлом авлод учун” коллежи ташкил этилди.

Жамғарманинг “Ўсиб келаётган авлодни соғломлаштириш дастури”да қуйидаги йўналишлар устувор қилиб белгиланган:

1. Аҳолига иммуноёрдам дастури.
2. Она ва бола скрининг (эҳтиёт текшириш) дастури.
3. Оилани режалаштириш.
4. Болалар ва оналар таомлари муаммолари.
5. Аҳолини, биринчи навбатда, аёллар ва болаларни энг зарур тиббий доридармонлар, санитария ва гигиена буюмлари билан таъминлаш.
6. Туғруқхона ва болалар муассасалари моддий-техника асосини мустаҳкамлаш.
7. Халқаро хайрия ва ихтисослаштирилган ташкилотлари билан ҳамкорликда мурувват дастурларини амалга ошириш.
8. Фуқароларга, болалар муассасалари ва ихтисослаштирилган муассасаларга шошилиш хайрия ёрдами кўрсатиш.

“Соғлом авлод учун” жамғармаси негизида тиббий-ижтимоий патронаж, яъни чақалоқни ва беморни уйларга бориб доимий ёрдам кўрсатиш тизими ташкил этилган. Унинг асосий вазифалари аёллар ва болаларни соғломлаштириш, оилани режалаштириш юзасидан кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, ҳар хил касалликларнинг олдини олиш зарурлигини тушунтириш, эмлаш устидан назорат қилиб туришдан иборат.

Жамғарма ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга яқиндан ёрдам бермоқда.

Айни пайтда одамлар онгида соғлом авлодни шакллантиришга нисбатан туб ўзгаришлар юз бераётгани ҳаммадан ҳам муҳимроқ ва қувонарлидир.

3-мавзу: МАФКУРАВИЙ МУАММОЛАР, МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР ВА БАРКАМОЛ ШАХС ТАРБИЯСИ

Режа:

- 1.Мафкуравий муаммолар.
- 2.Маънавий таҳдидлар.
- 3.Мафкуравий иммунитет.

1

Ҳозирги кунда инсон қалби ва онги учун кураш жараёни кечмоқда. Бу кураш қўйидаги кўринишларда намоён бўлмоқда:

- дунё мафкуравий манзараси ўзгариб бормоқда.
- жаҳонни мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уруниш кучаймоқда.
- геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсат уйғунлашмоқда.
- янги давлатларда мафкуранинг аҳамияти ошмоқда.
- мафкуравий жараёнлар глобаллашмоқда.
- кўп қутубли дунёни мафкуравий тизими барқарор эмас.
- Марказий Осиёда ҳам мафкуравий жараёнлар мураккаблашмоқда.
- Ўзбекистон ўзига хос мафкура билан яшамоқда.

Дунёни мафкуравий бўлиб олишга урунишлар:

- буюк давлатчилик гегемонизми.
- этник бирлик.
- ахборот воситалари.
- диний мансублик.
- собиқ иттифоқни тиклаш давоси.
- универсал технологияларни қўллаш асосида намоён бўлмоқда.

Бугунги дунёдаги мафкуравий жараёнлар асосан икки йўналишда: прогрессив ва реакцион кўринишда намоён бўлмоқда.

Тинчлик –уруш

Миллатлараро тотувлик – миллатчилик

Инсон эркинлиги –тоталитаризм

Умуминсоний қадриятлар устуворлиги - эгоизм, маҳаллийчилик.

Миллий мафкурамизнинг яратилиш жараёни:

1993-йил 23-апрель адиблар билан учрашув.

1993-йил 6-май, XII сессиясида мафкура яратиш запарчилигини кўрсатди.

1993-йил 27-декабрь ХДП Марказий Комитети миллий истиқлол мафкурасини эълон қилди.

1995-йил 24-февраль Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойилларининг

1996-йил август “Ўзбекистон иқтисодий чуқурлаштириш йўлида” асари.

1998-йил “Жамиятимиз мафкураси ҳалқни-ҳалқ миллатни- миллат қилишга хизмат этсин” асарида.

Миллий мафкура:

-Бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт.

-Эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя- мафкура бўлиши керак.

-Жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевори ва раҳмоно бўлиши даркор.

-Ёш авлодларни ватанпарварлик, инсонлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олийжаноб ишдаримизда мададкор бўлиши зарур.

-Умумбашарий ютуқларга эришмоқда йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган ғоя бўлиши керак.

-Ғояга қарши фақат ғоя фикрга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш тамоили.

-Мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир.

-Мафкура- ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприқдир.

2

Марказий Осиёга мафкуравий таҳдидлар.

-минтақавий-миллий мажоролар

-диний экстеримизм

-жанговар сепаратизм (лотинча “айирмачилик”)

-коллектив хавфсизликнинг йўқлиги

-минтақада ҳал қилувчи аҳамиятга молик қонларни мавжудлиги

-минтақада Ғарб ва Шарқ манқатларини туташ келиши

-Марказий Осиёни-этниқ, демографик, иқтисодий муаммоли мамлакатлар ўраб олганлиги.

1999 йил 16 февралда диний экстремистлар Тошкент шаҳрининг 6 жойида кўпоровчилик содир этишдилар. 15 киши вафот этди.

Мамлакатимиз таҳдидларга:

Хавфсизликка таҳдид

1. Минтақавий можаролар
2. Диний экстремизм ва фундаментализм
3. Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик
4. Этниқ ва миллатлараро зиддиятлар
5. Коррупция ва жиноятчилик
6. Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари
7. Экологик муаммолар

Барқарорлик шартлари

1. Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши
2. Давлатчиликни шакллантириш ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш
3. Демократик институтларни ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш
4. Бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши
5. Кучли ижтимоий сиёсат ва аҳоли ижтимоий фаоллигининг ортиши

Тараққиёт кафолатлари

1. Жўғрофий-стратегик имкониятлар ва табиий-ҳом ашё ресурслари
2. Инсон салоҳияти, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктураси
3. Кенг кўламли ўзгаришлар ва ҳамкорлик кафолатлари
4. Жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик

Марказий Осиёга мафкуравий таҳдидларни турлари.

-диний экстремизм ва фундаментализм-уларнинг мақсади динни ниқоб қилиб ҳокимият учун курашдир.

-буюк давлатчилик шовенизми ва агрессив миллатчилик-муайян давлат ва миллатни, унинг манфаатларини бошқа халқ ва давлатлардан устун қўйиш

-наркобизнес-бойлик орттириш мақсадида турли наркотик моддаларни четдан олиб келиш, етиштириш ва наркотик моддалар билан ёшлар онгини, ҳаётини заҳарлаш

-халқаро терроризм-турли халқаро террорчилик марказлари маблағи эвазига мавжуд конституцион тузумга қарши қўпоровчилик, сиёсий арбоблар ҳаётига суиқасд қилиш ҳаракатларини олиб бориш

-ахлоқсизликни тарғиб қилувчи ОА тизими-жангариликни тарғиб қилувчи, миллий қадриятларимизга, шарқона ахлоқ-одоб қоидаларига ёт бўлган ғарбона видеофильмлар ва газета, журналлар тарқатиш

Ислоҳ фундаментализмининг гоявий таҳдидлари:

-мусулмонларни давлатга ишончини йўқотиш, дунёвий давлатни, кўп миллатли, кўп динли жамиятни обрўсизлантириш

-уларни асоссиз даъватларига кўр-кўрона эргашиш

-аҳолини ҳақиқий ва сохта диндорга ажратиш

-кўшни мамлакатлар ҳудудида жангариларни янги авлодини вужудга келтириш

-мусулмон ва номусулмон мамлакатлари жамоатчилиги орасида Ўзбекистон тўғрисида нотўғри фикрлар ўйғотиш

-одамларни диний заминда “цивилизациялар тўқнашуви”ни кутишга мажбур қилиш орқали жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистонни қўшилишига тўсқинлик

-одамлар онгида дин барча муаммоларни ҳал қилиш воситаси деган фикрни қарор топтириш каби

Буюк давлатчиликнинг мафкуравий таҳдидлари

-халқаро, давлатлараро ва миллатлараро қарама-қаршиликни келтириб чиқариш
-халқаро-ҳуқуқий ички давлатчилик суверенитетимизни рўёбга чиқаришга қаршилик кўсатиш

-ташқи иқтисодий алоқаларимизни чегаралашга уруниш

-мафкуравий тазйиқ ўтказиш, жаҳон афкор оммасини Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур ўйғотишга уруниш

-миллатлар ўртасида ўзаро ишончсизликни келтириб чиқариш

-барча соҳаларда ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни секинлаштириш ҳавфи.

3

Ҳозирги дунё ва давр мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган бир даврдир.

Мафкуравий полигон – (юнонча-серқирра) синаш майдончаси демакдир.

Мафкуравий жараёнларни глобаллашуви –

-таъсир доираси

-таянч нуқтага

-бўлиб ташла ҳукмронлик қилга

-имтиёзи ҳамкорликга

-ғаразликка асосланиб амалга оширилмоқда.

Лекин тенг ҳуқуқли ва ўзара фойдали ҳамкорлик тамойлига амал қилиш.

-геостратегик манфаатларни руёбга чиқаришни ва алоқаларни ривожлантиришнинг энг оқил йўлидир.

Бугинги дунёдаги мисилсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкниятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларни бугун Ер шарини қамраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда.

Мафкуравий иммунитет ва мафкуравий профилактика.

Иммунитет (лотинча иммунитетас-озод бўлиш, қутилиш) –исонни турли таъсирлардан ҳимоя қилишга қодир реакциялар мажмуидир.

Мафкуравий иммунитет-моҳиятан ғайриинсоний ғояларга қарши тура олиш хусусиятни шакллантиришдир. Мафкуравий иммунитетни хусусияти:

-у туғма бўлмайди, балки ҳаёт давомида шаклланади

-ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга бўлади.

-мафкуравий иммунитет шакллангандагина мафкуравий дахлсизлик таъминланади.

Мафкуравий иммунитетни унсурлари:

-билим

-қадриятлар

-минталитет

-аниқ мақсадлар

-мафкуравий профилактикадир.

Мафкуравий профилактика (олдини олиш, даволаш)- ёт ғояларни, мафкураларни кириб келишини олдини олиш, ҳамда кириб келганларини йўқотишга қаратилган чора ва тадбирлардир. Содда қилиб айтганда мафкуравий профилактика ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган ғоявий-мафкуравий тарбиявий ишлар мажмуидир.

Мафкуравий иммунитет баркамол авлодни тарбиялаш ва унинг онгида бош ғоямизни сингдириш жараёнида асосий жиҳатлардан бири бўлиб қолади.

**4-мавзу: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ
КАРИМОВНИНГ “ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ”
АСАРИДАГИ ҒОЯЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ АҲАМИЯТИ**

Режа:

1. ЮМЕК асарининг қисқача мундарижаси.
2. ЮМЕК асарида илгари сурилган ғоялар.
3. ЮМЕК асарининг таълим тизимидаги аҳамияти.

1

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг
“Юксак маънавият – енгилмас куч” асари ҳақида *қисқача маълумотнома*
Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари:
Муқаддима, тўрт боб, ўн фасл:

1-боб. Маънавият - инсоннинг улғайиши ва куч-қудрат манбаидир

-Маънавиятни англаш.

-Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар.

-Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги.

2-боб. Мустақиллик — маънавий тикланиш ва юксалиш

-Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт.

-Маънавият ва жамиятнинг янгилиниши.

-Ислохотлар ва уларнинг маънавий мезони.

3-боб. Маънавиятга таҳдид — ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид

-Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар.

-Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя.

4-боб. Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори

-Инсон қалбига йўл.

-Энг буюк жасорат ва Хотима қисмларидан иборат.

Шу билан бирга асарда Ватанимиз ва мустақиллигимиз тарихига бағишланган 28 та: Самарқанд Регистон, Тошкент Эзгулик аркаси, Тошкент Амир Темур ҳайкали, Самарқанд Амир Темур ҳайкали, Шахрисабз Амир Темур ҳайкали, Самарқанд Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси, Тошкент Мустақиллик ва эзгулик монументи, Тошкент Шаҳидлар хотираси ёдгорлиги, Тошкент Мотамсаро она ҳайкали, Тошкент Навоий ҳайкали, Бухоро Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи, Фарғона Аҳмад Фарғоний ҳайкали, Термиз Алпомиш ёдгорлиги, Марғилон Марғиноний ёдгорлиги, Урганч Мангуберди ҳайкали, Самарқанд Шоҳи Зинда (1-бўлим 16 та).

Нукус Қорақалпоғистон санъат музейи, Самарқанд Улуғбек Расадхонаси, Урганч Авесто ёдгорлиги, Андижон Бобур ҳайкали, Наманган Тинчлик стелласи, Қарши Эл-юрт таянчи монументи, Тошкент Муқаддас Усмон Қуръони. Ҳазрати Имом мажмуаси, Тошкент Болалар ижодиёти маркази, Тошкент Ўзбекистон давлат консерваторияси биноси, Тошкент Ёшлар талабалар шаҳарчаси, Тошкент Тасвирий саъат галереяси, Тошкент Ўзбекистон Миллий академик драма театри (2-бўлим 12 та) рангли расмлар билан безатилган. Муқовадаги Хаста Имом мажмуи ва Президент расми билан 30 та.

Асарда кишиларнинг номлари (81 та) тилга олинган, тушунчалар (121 та) ва иборалар (156 та) қўлланилган. Асарда бир неча ҳадислар (2 та), ҳикматлар (11 та), мақол ва маталлар (8 та), тафсифлар (2 та), асарлар (12 та), шарафли номлар (7 та), тамойил ва шиорлар (9 та) ва таърифлар (13 та) келтирилган. Асарни кирилча нусҳаси 176 бетдан иборат.

Муқаддимада:

-маънавий таҳдидлар

Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига (13) қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман.

-китобни ёзилиш сабаблари (5 та)

-инсоннинг юксалишида маънавият оламининг қандай таъсир ва аҳамиятга эга экани,

-шунингдек, маънавиятга қарши қаратилган хуружларнинг реал хавфи ҳақида атрофлича фикр юритиш,

-ҳалқимиз янги ҳаёт, янги жамият асосларини кураётган ҳозирги мураккаб ва таҳликаликали замонда одамларни бундай хатарлардан огоҳ этиш,

-эл-юртимиз, кенг жамоатчилик эътиборини бу масалаларга яна бир бор қаратиш,

-келажак авлодимизни маънавий соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш билан боғлиқ вазифаларни (16) аниқ белгилаб олиш борасидаги ҳаётий эҳтиёж маҳсули сифатида дунёга келди.

-маънавиятни асраш лозимлиги (4 та)

-авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши,

-қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аجدодларимизнинг меросини чуқурроқ, ўзлаштириши,

-бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаш ва

-диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим.

Ишончим комилки, ана шундай ноёб инсоний фазилатларга, юксак маънавиятга эга бўлган халқ ҳеч кимга ҳеч қачон қарам бўлмайди, ўзининг эзгу мақсадларига албатта етади. (17)

1-боб. Маънавият - инсоннинг улғайиши ва куч-қудрат манбаидир

Маънавиятни англаш.

—маънавиятга таърифлар

маънавият-инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир, (19)

-маънавий озиқлар:

-она сути

-оила тарбияси

-аждодлар ўғити
-ватан туйғуси
-ҳаёт сабоқлари
-табиатга одамларнинг ёқинлиги
-яхшилиқни ўйлаб ҳалол меҳнат
-дунё неъматларидан баҳрамандлик
-маънавият-инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатининг буюк бойлиги ва куч-қудрат манбаи Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак. (29)

-Маънавиятни шакллантириш мезонлари.

Маънавий бойлигимиз. 4000 та обида.

1.Авесто

2.Халқ оғзаки ижоди. Алпомиш

3.Наврўз

4.Муқаддас динимиз

5.Буюк алломаларимиз

6.Оиланинг ўрни

7.Маҳалланинг роли

8.Таълим тарбия тизими

-Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги.

инсон ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва аломатларни мужассам этган ноёб ҳилқат, Яратгanning буюк ва сирли мўъжизасидир. Шунинг учун ҳам унинг ички дунёси, унга ато этилган фазилат ва ҳислатларни охиригача англаш, тушунишнинг ўзи ўта мураккаб бир масала.

инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади.

2-боб. Мустақиллик — маънавий тикланиш ва юксалиш

-Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт.

Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиламиз (71)

Табиийки, миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча одамларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади. (72)

-Асрий орзу. Барча асослар: -табиий бойлиқлар

-унумдор ер

-катта иқтисодий, илмий-техник, инсоний ва

-маънавий салоҳият миллий ғоямизнинг узвий

таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-

маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат.

Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтариб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш. (76).

- Маънавият ва жамиятнинг янгиланиш.

Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муставил ёндаша оладиган, айна замонда шахсий манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жихатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди.

-кадриятлар:

-тил

-Ватанга муҳаббат туйғуси

-дунёвий ва диний кадриятлар

-миллий урф-одатларимиз

-тарихий хотира

-Ислоҳотлар ва уларнинг маънавий мезони

Ўзбек модели Бу моделнинг асосий тамойиллари-яъни, иқтисодиинг сиёсатдан холи экани, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислоҳотларни тадрижий асосда босқичма-босқич амалга ошириш принциплари барчамизга яхши аён. (103)

ислоҳот-ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак. (106)

3-боб. Маънавиятга таҳдид — ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид

-Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар.

глобаллашув-бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир. (111)

бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. (113)

-Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя

фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. (119)

Номаъқул одатлар: (10)-худбинлик, лоқайдлик, қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, коррупция, манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик, хасад, сотқинлик, бепарволик.

4-боб. Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори,

-Инсон қалбига йўл.

-ўқитувчи ва мураббий. Касбларни ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир.

-маҳалла оқсоқоллари

-телеведения ва радио

-ОАВ

-бадий адабиёт

- мусиқа санъати
- театр санъати
- кино санъати
- тасвирий санъат намуналари
- монументал санъат
- қўғирчоқ ва ўйинчоқлар

-Энг буюк жасорат

фаслида 14 та жасорат намуналари:

1. Платон
2. Байтул-ҳикма: Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний
3. Хоразм Маъмун академияси: Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино (Абу Наср ибн Ироқ, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий
4. Николай Коперник, Жордано Бруно, Галилео Галилей
5. Маҳатма Ганди
6. Нажмиддин Кубро
7. Жалолиддин Мангуберди
8. Амир Темур
9. Жадид боболаримиз: Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон
10. Деҳқонларимиз
11. Яҳё Ғуломов
12. Зулфияхоним
13. Озод Шарафиддинов
14. Халқимизнинг миллий мустақиллигини қўлга киритиши эканлиги қайд этилиб,

бу жасорат намуналарида 17 кишининг исми-шарифлари кўрсатиб ўтилган.

Булар:

1. Платон
2. Абу Наср ибн Ироқ
3. Абу Райҳон Беруний
4. Ибн Сино
5. Маҳмуд Хўжандий
6. Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий
7. Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий
8. Николай Коперник
9. Жордано Бруно
10. Галилео Галилей
11. Маҳатма Ганди
12. Нажмиддин Кубро
13. Жалолиддин Мангуберди
14. Амир Темур
15. Яҳё Ғуломов
16. Зулфияхоним
17. Озод Шарафиддинов.

Улардан 5 таси: Боғдод академияси, Хоразм академияси, жадид боболаримиз, деҳқонларимиз ва халқимизнинг миллий мустақиллигини қўлга киритилиши умумий, кўпчиликка тегишли жасорат сифатида қайд этилган. Ушбу жамоавий жасорат бевосита ва билвосита Президентимиз Ислом Каримов номи билан боғлиқлиги оддий ҳақиқат. Жасоратларни 14 тасидан 11 таси халқимизга, 3 таси бошқа халқларга: юнон, поляк-итальян ва ҳинд халқларига тегишли. 17 та исм-шарифлардан 7 таси Платон, Абу Наср ибн Ироқ, Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий, Николай Коперник, Жордано Бруно, Галилео Галилей ва Маҳатма Ганди бошқа: юнон, араб, форс, поляк, итальян, ҳинд халқлар вакиллари дир. Китобда қайд этилган 17 та исм-шарифдан 12 тасига умумий баҳо берилган бўлса, 5 тасига: Платон, Маҳатма Ганди, Яҳё Ғуломов, Зулфия ва Озод Шарафиддиновга эса алоҳида баҳо берилган.

Хотима

Халқнинг қалбида не-не авлодлардан мерос енгилмас куч-маънавият бор. Халқимизнинг донишмандлиги ва матонати, иймон-этиқоди, мустаҳкам иродаси ва юксак маънавий руҳи доимо барқарор яшайди

Китобни сўнгги фаслларида ва умуман китоб мутоаласидан шундай хулосалар чиқариш мумкин:

- бу китобда уч ғоя илгари сурилган: маънавият, мустақиллик ва жасорат;
- бу китоб ўқитувчи-мураббийлар, маънавият яратувчилари ҳақидадир;
- бу китобни ҳар бир маънавиятчи, ўқитувчи-мураббий ва бўлажак тарбиячи хонадониди бўлиши айтиш пайтдаги маънавий заруратдир;
- бу китоб ва унда илгари сурилган ғоялар бизни миллий маънавиятимиз салоҳиятини теран англашга, мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асрашга ва мустаҳкамлашга, Ватанимиз

2

Президент Ислом Каримовнинг “Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш”. -Т.: Ўзбекистон, 2009. асарининг қисқача мазмуни¹:

Маълумки, глобал муаммолар қаторидан ахборот хавфсизлиги, ахборот хуружи муаммоси ҳам алоҳида ўрин эгаллаган. Маданиятлараро интеграция, турли маданиятларнинг ўзаро таъсири оммавий ахборот воситалари орқали ўзининг ижобий натижалари билан бирга айрим халқлар ҳаёти ва маданиятларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу рисолада муаллиф томонидан мустақиллик шароитида миллий матбуотимизнинг бугуни ва истикболи, ОАВ олдида турган жиддий ва стратегик вазифалар таҳлил қилинган. Миллий хавфсизликни таъминлаш жамоатчилик фикрининг шаклланиши билан боғлиқ эканлиги, бу борада босма ва электрон оммавий ахборот воситаларининг вазифаси, ўрни ва роли ҳақида жиддий фикрлар илгари сурилган.

“Агарки биз Ўзбекистоннинг ўзимиз орзу қилган эртанги ёруғ кунини, буюк келажagini барпо этмоқчи бўлсак, бир ҳақиқат барчамизга равшан бўлиши керак: бу вазифа, авваламбор, бошлаган эзгу ишларимизнинг

¹ Президент Ислом Каримов асарлари библиографияси. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. 66 бет.

давомчиси бўлган, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эришиш йўлида ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган таянчимиз-суянчимиз бўлмиш болаларимизни бундай ёвуз таъсирлардан ҳимоя қилиш билан бевосита узвий боғлиқдир.

Бошқача айтганда, ёш авлодимизнинг қалби ва онгини асраш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашгфарзандларимизнинг дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмуни ва асл сабабларини чуқур англаши, ўз атрофида содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга, энг муҳими, ўз мустақил фикрига эга, содда қилиб айтганда, окни қорадан ажратишга қодир бўлишига эришиш таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий шарги ва мезони бўлиши даркор.

Шу маънода, ахборот оламидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги вазиятда мустақил онг ва мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, керак бўлса, муҳим сиёсий аҳамият касб этади.

Бу ўта муҳим вазифани амалга оширишда таълим-тарбия тизими, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий масалалар билан шуғулланадиган идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар ўз ҳиссасини қўшиши табиий, албатта, лекин бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсир кучи беқиёс, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Бир ўйлаб кўрайлик, ўз мустақил фикрига эга бўлиш - бу нима дегани? Бу аввало кўп-кўп фикр ва мисолларни ўзаро солиштириб, қиёслаб, уларнинг ичидан яккаю ягона тўғри ҳақиқатни ажратиб олиш, уни ўз онгига сингдириш, шундан хулоса чиқариб яшашга қодир бўлиш демакдир”¹.

“Бугун биз янги ҳаёт, ҳуқуқий демократик давлат барпо этаётган эканмиз, замоннинг ўзи жамиятимизда ҳануз сақланиб келаётган, умрини ўтаб бўлган баъзи қарашларни тубдан ўзгартиришга, давр билан ҳамнафас бўлиб, янгича фикрлашга даъват этаётганини, ўйлайманки, барчамиз яхши англаймиз.

Бу вазифаларни амалга оширишда журналистлар ҳам шуни унутмаслиги зарурки, мустақил тафаккурни шакллантиришда албатта маҳорат керак, албатта масъулият керак ва албатта халқимизга хос одоб-андишани йўқотмаслик керак.

Табиийки, бундай босқичларга етиш учун, бундай муҳит ҳаётий кўникмага, тафаккуримизнинг узвий бир қисмига айланиши учун оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўз билим ва малакасини муттасил ошириб бориши, муайян соҳага ихтисослашиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда сиёсат ҳақида гапирганда - сиёсатчи, иқтисодиёт ҳақида - иқтисодчи бўлиб фикр юритишни, маънавият ва маърифат ҳақида маърифатчи, ҳаётий-фалсафий муаммолар хусусида файласуф бўлиб баҳсга киришишни - мана шундай юксак қобилият ва маҳоратга эга бўлишни ҳаётнинг ўзи журналистларимиз олдига энг муҳим вазифа қилиб қўймоқда.

¹ Каримов И.А. “Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш”. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 8-9 бетлар.

Ана шундай юксак марраларни эгаллаган тақдирдагина матбуотнинг ҳаққоний, ҳароратли сўзи ҳар бир юртдошимиз юрагида акс садо беради ва у халқимизнинг чинакам маънавий ҳамроҳига айланади”¹.

2009 йил 21 сентябрь ҳолатида Ўзбекистонда 1128 (ҳозирда 1326 (1387) тага етган) ОАВлар бор бўлган. Улар:

- 694 та газета,
- 240 та журнал,
- 20 та бlyютен,
- 4 та ахборот агентлиги,
- 59 та телеканал,
- 19 та радиоканал,
- 92 та Интернет тармоғи мажуд.

3

Бадиий адабиёт инсондаги хуш хулқ-атвор покиза, адолатли саъи-ҳаракатларни халқдан ажралмасдан, аввал ўзида пайдо қилиш орқали комиллик даражасига етишишни, сўнгра эса бошқаларни ҳам халоллик, меҳр-мурувват, эзгулик, адолатлилиқка чақиришга даъват этади.

Юртбошимиз Ислом Каримов маънавият соҳасидаги фундаментал асарлари бўлмиш “Юксак маънавият–енгилмас куч” асарида бадиий адабиёт мавзусига тўхталиб: “Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадиий адабиётдир. Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларнинг эса инсон руҳининг муҳандислари, деб таърифланиши бежиз эмас, албатта.

Халқимиз орасидан мана шу ғоят машаққатли соҳага бутун ҳаёти ва ноёб истеъдодини бағишлаб, адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган ўлмас асарлар яратган буюк сўз санъаткорлари-уларни барчасининг номларини зикр этиш, албатта, кўп вақтни талаб қилган бўлур эди-етишиб чиққани билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз.

Адабиёт, сўз санъати азалдан халқ қалбининг ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келади. Хусусан, мустақиллик йилларида юртимизда маънавиятимизнинг ғоят муҳим ва узвий қисми бўлган адабиётни ривожлантириш, шоир иа ёзувчиларимизнинг эзгу меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз ҳосилини бераётгани, бадиий адабиётимиз мавзулар кўлами жиҳатидан ҳам, жанрлар нуктаи назаридан ҳам ранг-баранг бўлиб бораётгани, адабиёт майдонида янги-янги номлар пайдо бўлаётгани китобхон халқимизни албатта қувонтиради”²-деб ёзадилар.

Бадиий адабиётнинг фалсафий ахлоқий-эстетик ғоялари миллий истиқлол мафкураси учун негиз, пойдевор бўлганлиги учун уни тадқиқ этиш долзарб масаладир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда бадиий адабиётнинг фалсафий, ахлоқий-эстетик қирраларини ўрганиш фан, маориф, маънавий ижтимоий соҳаларга олиб кириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

¹ Каримов И.А. “Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш”. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 22-23 бетлар.

² Каримов И.А.Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 136-137 бетлар.

Шунга кўра бадиий адабиётнинг долзарблигини куйидаги жиҳатлар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, бадиий адабиёт миллий истиқлол ғоясининг диний, маънавий илдизидир. Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни таъминлашга хизмат қилади. Бадиий адабиёт мустақил Ўзбекистонда Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, ўзаро ҳамкорлик ва ёш авлодни тарбиялашда асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қила олади;

Иккинчидан, бадиий адабиётдаги гўзалликни билиш, идрок этиш инсон бадиий эстетик тафаккурини ўстиради. Бадиий адабиёт намоёндаларининг эстетик қирраларини ўрганиш, баҳолаш, ибратли томонларини кўрсатиш ҳозирги давр шахсини комил инсон қилиб шакллантиришда алоҳида ўрин эгаллайди;

Учинчидан, миллий истиқлол ғояси ва мафкуравий жараёнларнинг маънавий соҳадаги асосий вазифаларидан бири аجدодларимизнинг илғор қирраларини, инсонийлик моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш борасидаги ишларни давом эттириш, токи бу қирралар халқимизнинг минг йиллик тарихи, бугунги маънавий ҳаётимизнинг ҳам асоси эканлиги ёш авлод онгига сингиб борсин. Шу маънода бадиий адабиёт биз учун муҳим ҳаётий тамойил бўлиб қолаверади;

Тўртинчидан, бадиий адабиёт бизни халқдан ажралмасдан, инсоннинг нафақат жисмоний ва ички руҳий, маънавий дунёсини мукаммал тарбиясини қамраганлиги билан ҳам юқори камолот даражасига – яъни комил инсон бўлишига эришиш учун хизмат қилади; ўзининг моҳияти билан бунёдкорликка ундаган, меҳр-шафқат, одамийлик, ватанпарварлик, эзгулик руҳи билан суғорилган бадиий адабиёт, ҳозирги замон кишисида ҳам шундай гўзал хулқларни шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Президент Ислом Каримов ёзганларидек: “... халқимиз адабиётни муқаддас ва улуг бир даргоҳ деб билади. Ана шундай баҳонинг ўзи эл-юртимиз ҳаётида бу соҳа намоёндаларига, уларнинг ҳаққоний сўзи, чуқур маъноли асарларига ишонч, ҳурмат-эътибор ва эҳтиром азалдан юксак даражага кўтарилганини яққол кўрсатиб турибди”¹.

Дунёдаги жамики тараққий этган, ривожланган мамлакатлар тарихи, жумладан Ўзбекистонимиз тарихий тараққиёти ҳам шуни кўрсатмоқдаки муайян ва аниқ мақсадни кўзлаган ғоя билан қуролланган халқ ва жамият жаҳон сиёсий майдонида қаддини ростлаб, ниятига, кўзлаган мақсадига ета олади.

Президент И.А.Каримов ўз нутқ ва маърузаларида миллий мафкура ва унинг жамиятдаги ўрни масаласига катта эътибор бериш лозимлигини такидлаган эдилар. Жумладан, “Фидокор” газетаси мухбири саволларига жавоб бера туриб Президентимиз: “... мафкура фақат бугун эмас, балки ҳамма замонларда ҳам энг долзарб сиёсий-ижтимоий масала, ҳар қандай жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиши учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевор бўлиб келган” - деб такидлайдилар².

¹ Каримов И.А. Адабиётга эътибор-маънавиятга, келажакка эътибор. –Т.: Ўзбекистон, 2009. 7 бет.

² Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. –Т.: Ўзбекистон, 2000. 5 бет.

Миллий мафкурамизнинг маъно-мазмунини белгилайдиган асослардан бири бу халқимизнинг қадимий ва бой тарихидир. Чунки тарих буюк устоздир. У инсонга ибратли хулосалар берибгина қолмасдан, баъзан аччиқ сабоқларни ҳам тан олишга ундайди.

Она заминимизда бундан неча асрлар аввал яратилиб то ханузгача юртимизга кўрк бағишлаб турган қадимий обидаларимиз, асори-антиқаларимиз халқимизнинг юксак салоҳияти, куч-қудрати, бунёдкорлик анъаналари ҳақида, ватанимизнинг шонли тарихи тўғрисида тасаввур ва тушунчалар беради. Шу муқаддас бу диёрда яшайдиган ҳар бир инсон қалбида ғурур-ифтихор туйғуларини ўйғотади. Миллий мафкуранинг асосий вазифаларидан бири ватандошларимизнинг тафаккурида ўзликни англаш, тарихий хотирага садоқат, муқаддас қадриятларимизни асраб-авайлаш, ватанпарварлик туйғусини камол топтиришдан иборат экан, тарихни турли даврларида миллий мустақиллигимиз учун курашган миллий қаҳрамонлари Тўмарис, Широқ, Спитамен, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур кабилар қаторида Абдулла Қодирий бобомиз ҳаёти, бадиий мероси ва ғоялари ёшларимизда юртга нисбатан ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг муҳим омилларидан бири эканлигига шак-шубҳа йўқ. Бадиий адабий мерос эса ғоявий тарбиянинг воситаларидан биридир.

5-мавзу: МИЛЛИЙ МАФКУРАНИ ЎҚУВЧИ ЁШЛАР ОНГИ ВА ҚАЛБИГА СИНГДИРИШДА МАКТАБ РАЎБАРИНИНГ МАЪСУЛИЯТИ

Режа:

1. Президент Ислон Каримов асарлари миллий мафкуранинг назарий асослари.
2. Миллий мафкурани ўқувчи ёшлар онги ва қалбига сингдириш соҳалари ва йўналишлари.
3. Мафкуравий тарбия жараёнида мактаб раўбарининг маъсулияти.

1

Миллий истиқлол мафкурасининг хусусиятлари:

1. Ўзбекистонда истиқомат қиладиган халқларнинг туб манфаатларини ифода этади;

2. Ўтмишнн келажак билан боғловчи маънавий кўприк бўлиб хизмат қилади;

3. Фуқароларимизни буюк мақсадлар сари бирлаштирувчи ва сафарбар этувчи буюк куч:

4. Халқнинг интеллектуал салоҳиятини жамият тараққиётига сафарбар этишга бош-қош бўлиши:

5. Миллий истиқлол мафкураси ёш авлодни тарбиялашнинг бекиёс омили эканлигида:

6. Хуллас, миллий истиқлол мафкураси бу “халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир”.

Президентимизнинг жавоби “*Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ миллатни-миллат қилишига хизмат этсин*” сарлавҳа остида қуйидаги 14 та ғоя ажратиб берилган:

1. Миллий мафкура-миллатни бирлаштирувчи байроқдир.

2. Энг даҳшатлиси-фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги.

3. Мафкурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади.

4. Маънавиятимиз қўлимизда енгилмас кучга айлансин.

5. Мафкура полигонлари ядро полигонларидан хавфлидир.

6. Мафкура - ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприқдир.

7. Миллатнинг, халқнинг ҳамжихатлиги тараққиёт гаровидир.

8. Онгли турмуш-жамият ҳаётининг бош мезони.

9. Мақсадимиз-эркин шахсни тарбиялаш.

10. Кучли давлатдан-кучли жамият сари.

11. Жаҳолат-маърифатнинг кушандаси.

12. Жаҳонга ўз сўзимизни айтайлик.

13. Юртимизнинг хавфсизлиги-сиёсатимизнинг бош йўналиши.

14. Энг олий мақсадим-халқимнинг омонлиги.

“Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоти буюк келажакка ишончдир”

(2000) асарида:

- миллий истиқлол мафкурасининг ҳаётимиздаги ўрни
- миллий мафкурани ҳаётий эҳтиёж даражасига кўтарилиш,
- мафкуравий иммунитет
- миллий истиқлол мафкурасини қандай хусусиятларга эга бўлиши
- эркинлаштириш,

- кучли жамият сари,
- адолатли жамият,
- миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари,
- мафкуравий таҳдидлар,

6 апрель 2000 йил Оқсарой қароргоҳи Миллий мафкура масалаларига бағишланган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқидан келиб чиққадиган хулосалар:

1.Ўзининг келажагини қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият албатта ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши керак.

2.Бугунги ўзгаришлар даврида, яъни, мустабид, тоталитар бир тизимдан эркин ва озод тизимга ўтиш шароитида халқимиз ўзига хос, жуда катта ғоя ва тўсиқларга дуч келиши, бу жараён катта курашлар орқали кечиши барчамиз учун аён бўлмоғи даркор. Халқимиз ва жамиятимизнинг янги уфиқлар сари бошлаш, давъат қилишга мақсадларимиз аниқ бўлиши керак.

3. Энди вояга етаётган ёшларимизни нима билан, қаддай ғоя ва мафкура билан тарбиялашимиз керак? Улар қандай ғоя негизида тарбия олиши, қандай эзгу мақсадларга интилиши керак? Қандай мафкура ва тафаккур улар учун қурол бўлиб хизмат қилмоғи лозим?

4.Тарбиявий-ахлоқий масалаларида маънавий ҳаётда, керак бўлса, миллий манфаатларимизга мос келадиган сиёсатни изчил олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмаслигимиз учун ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз даркор.

5.Миллий ғоя миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашига, ўзининг миллий қадриятларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, авайлаб, эъзозлаб, янги, ўсиб келаётган авлодга етказиб бериш учун хизмат қилиш керак.

6. Миллий ғоя олдида қўйиладиган асосий талабларнинг икки суянган тоғи-таянчи, булар:

а) биринчи навбатда халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда миллий қадриятларимизга халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланган бўлса;

б) иккинчи навбатда замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига камраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватаннинг равнақи, халқ манфаати ва фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор.

7.Миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги, айланмаслиги керак. У жамиятимиздаги курашлар ранг-баранглиги, ғоялар хилма-хиллиги сақланган ҳолда уларни бир-бири билан курашишга, бахслашувга, ҳар қандай партия, ҳаракат, ҳар қайси инсон, фуқоронинг ўз фикрини эркин ифода этиш ва уни ҳимоя қилишига зиён ёки таъйиқ кўрсатмаслиги лозим.

Шу билан бирга миллий ғоя давлатимиз, жамиятимиз, халқимизнинг юксалиши йўлида, буюк келажак барпо этишдек эзгу мақсадга эришиш ва жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб обрў-эътибор топишимизда ягона бирлаштирувчи куч-қаноат бўлиши шарт.

Мафкура – бу инсон онгига, унинг қалбига йўл очиб, дунёқарашига таъсир этувчи қудратли ғоявий кучдир. Шунинг учун ҳам, ҳозирги вақтда жаҳон миқёсида турлича мақсад – манфаатларни ифода этувчи ҳар хил эски ва янги мафкураларнинг, бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталарнинг пинҳона ва ошкора ўзаро курашлари, тортишувлари ҳар қачонгидан ҳам шиддатли тус олмоқда. Мафкуравий курашлар ва тортишувлардан кўзда тутилган асосий «асосий мақсад инсон, аввалом бор ёшлар қалбини эгаллаш, муаян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги - туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашга бўйсиндириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги ва тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра дахшатлидир».

Президентимиз жиддий огоҳлантиргандек, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Ҳар хил мафкуранинг таъсирига берилмаслик учун ҳар бир инсон, айниқса ёшлар мафкуравий қуролланган бўлиши зарур, чунки, “ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш мумкин”.

Халқимизни миллий мафкураси халқимизга келажаги буюк давлат қуруши учун қудратли куч бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам миллий мафкурамизни олийжаноб мақсадларни халққа содда, ҳаққоний, тушунарли тарзда етказиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада таълим тизимини, айниқса педагогика фанининг ўрни каттадир. Ота-боболаримиз қадимги даврлардан буён инсон ва унинг тарбиясини муҳим масала деб келган ва билган. Шу мақсадда Республикамизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Таълим тўғрисидаги Қонун қабул қилинган.

Мафкуравий тарбия тушунчаси педагогика фанида гарчи мавжуд бўлса-да, у ошкор айтилмас эди. Шўро даври таълим тизимида мафкуравий тарбия асосий мезонлардан бири саналсада, бу расман тан олинмас эди.

Ўтиш даврида, айниқса бир мафкурани ўрнига иккинчи бир мафкуранинг келиш жараёнида мафкуравий тарбия жуда муҳимдир.

Мафкуравий тарбия тушунчаси биз учун ҳозирги пайтда янгиликдир, гарчи у тарихий тушунча бўлсада, бемалол айтиш мумкинки, тарбия: ахлоқий, ақлий, жисмоний, эстетик, диний турлари каби мафкуравий тарбия ҳам тарбиянинг муҳим шаклларида биридир. Шу ўринда, мафкуравий таълим-тарбия тушунчаларини ўзаро нисбатан узвийлигини алоҳида таъкидлашимиз керак. Албатта, тарбия азалий ва абадий жараён, таълим маълум босқичларда, маълум даврларда алоҳида шаклларда олиб бориладиган маърифий жараёндир. Биз мафкуравий тарбия жараёнини кенг масштабда олиб қарамоғимиз шарт. Бу жараённи амалиётга татбиқ этиш таълим масканларида, айниқса ёшлар орасида олиб бориш бирмунча қийинликлар туғдиради.

Мафкуравий тарбиянинг асосий тизими қуйидагиларни қамраши лозим бўлади:

- Тарбияда улғаяётган инсон шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш. Ҳар бир инсоннинг ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлигини эътиборда тутиш:

- Миллий ўзига хос анъаналарга таяниш, лекин тарбиянинг миллий бунёдкорлиги ёш авлоднинг кўпмиллатли ва жаҳон маданияти дурдоналарини қизиқишларини, интилишларини инкор қилмаслик:

- Ёшлар ҳаётий фаолиятида тарбиявий жараёнининг асосини ташкил қилиш: Ёшлар таълим даргоҳида нафақат бўлғуси ҳаётга тайёргарлик кўрадилар, балки ана шу ҳақиқий ҳаёт билан ҳамнафас яшайдилар.

- Мафкуравий тарбия миллий мафкуравий тарбия тушунчасини «миллат» доирасида эмас, балки халқ доирасида ҳазм этиши лозим.

- Мафкуравий тарбия нафақат бирон-бир таълим тизими босқичида, балки барча узлуксиз таълим тизимида бир вақтнинг ўзида, бирданига амалга оширилиши лозим бўлади.

- Мафкуравий тарбия бош ғоя негизига кўрилмоғи зарур.

- Мафкуравий тарбия соф халқчил, инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғояларига асосланмоқликни ташкил этади.

Мафкуравий тарбия – бу инсон онги ва тушунчалари тизимида ҳаёт ҳақидаги, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, бадий, касбий қарашларни мақсадли шакллантириш жараёнидир. Бу мафкуравий тарбиянинг моҳиятини ташкил этади.

Мафкуравий тарбиянинг мақсади эса – жамиятнинг ҳар бир аъзоси ва улар тимсолида ҳар бир ижтимоий қатлам, гуруҳнинг тарбиявий даражасини таъминлашдан иборатдир.

Мафкуравий тарбиянинг негизини ғоявий тарбия ташкил этади. Ғоявий тарбия эса, миллий мафкурамизнинг ғоялар тизимида асосланади. Бу жараёнда “Ўзбекистон-келажаги буюк давлат” бош ғояси асосий ўзакни ташкил этади.

Мафкуравий тарбия пировардида ҳар бир кишида мафкуравий онг, мафкуравий дунёқараш ташкил топади.

Мафкуравий онг эса, буюк келажак сари ташланган қадамдир. Президентизм ибораси билан айтганда - “Ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз маъсулияти билан онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди”.

Шахсни ҳар томонлама камол топтириш ҳамма вақт жамиятнинг муҳим ва асосий мақсади бўлиб келган. Аммо, шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳозирги пайтда уни амалга оширишнинг усуллари ва воситалари тубдан ўзгартирилиши, яқин ўтмишимизга хос бўлган жимжимадорлик ва қотиб қолганлик ўрнини аниқ инсоний ва ҳаққоний мазмун-моҳият эгалламоғи зарур. Ушбу қутлуғ ишни амалга оширишда инсоннинг ўз тараққиёти давомида эришган барча моддий ва маънавий тарбия воситаларидан тўғри фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг миллий педагогика фанимизда, тажрибамизда бунга етарлича асос ва малака-кўникмалар мавжуд, уни имкон қадар ҳаёт ва тарбия амалиётида қўллашни билишиз лозим бўлади. Бу жараён республикамизда сиёсат даражасига кўтарилган. Таълим тўғрисидаги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор

йўналиши деб ҳисоблансин – дейилган Президентимизнинг 1997 йил 6 октябр фармонида.

Мафкуравий тарбия омилларига мурожаат қилишдан олдин, шу жараёни асосий мақсади нимага қаратилганлигини аниқлаб олиш лозим. Мустақиллик неъматларидан бири - бу эркин фикрлаш, эркин ва мустақил бўлган инсонни тарбиялашдан иборатдир.

Мустақил мамлакатимизни мустақил, ўзига хос ва мос инсонларини шакллантириш, мустақилликнинг илк онларидан кун тартибидаги асосий масала бўлиб келди.

Ўзбекистоннинг келажақда буюк давлатга айланиши, мустақилликнинг тақдири миллий истиқлолимиз посбонлари бўлган ёшларимизнинг куч-ғайратлари, ақл-идроклари, амалий тайёргарликлари, ақлий, жисмоний, маданий, маънавий камолотларига боғлиқ эканлиги ўз-ўзидан тушунарлидир. Ёшлар Ватанимиз, миллатимиз ва жамиятимиз келажагидир.

Шу ниятда, Президентимиз ўз нутқларида «Баркамол авлод» дастурини ишлаб чиқди. Ушбу дастур 1997 йилги Олий Мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган нутқидан бошланиб, 1999 йил 8 декабр Конституция кунида сўзланган нутқиғача бўлган даврда “пишиб” етилди.

IX сессияда айтилган ва қабул қилинган қонун ва дастур бу масала мамлакатимизда давлат даражасида ечилаётганлигини кўрсатади. Тарихга Президентимиз “баркамол авлод” тушунчасини киритди. Шундан сўнг 1999 сўнг 2 феврал “Туркистон” газетаси мухбири саволарига берган жавобларида Президентимиз “комил инсон” тушунчасига таъриф бериб, “Комил инсон” бу:

- ўз ҳақ-хуқуқларини яхши танийдиган,
- боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган,

- ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган,
- аини замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган инсон эркинлигин таъкидладилар. Шундан кўп ўтмай 1999 йил 8-декабр конституция кунига бағишланган йиғилишдаги нутқида Президентимиз “Соғлом авлод” ғоясини илгари суриб: “Соғлом авлод” деганда, шахсан мен, энг аввало,

- Соғлом наслни,
- Нафақат жисмонант бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом,
- Иймон-эътиқоди бутун,
- Билимли
- Маънавияти юксак,
- Мард ва жасур,
- Ватанпарвар авлодни тушунаман» деган эдилар.

Ушбу “Комил инсон” ва “Соғлом авлод” ёки “Баркамол авлод”ни шакллантириш, уларни мафкуравий тарбиялаш жараёнида мафкуравий муҳит бўлиш лозим:

1. Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий муҳит. Бу борада Республикамизда улкан ишлар қилинди. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳада қулай муҳим яратилди.

2. Соғлом ғоялар 23 йил давомида халқимиз эътироф этган, инсоният тан олган илғор ғоялар шакланди.

3. Сиёсий онг ва ҳуқуқий маданиятни ўсиши. Бу соҳада сиёсий партияларни, ҳуқуқ тарғибот ишларининг ўрни катта.

4. Ёшларнинг билим даражаси, ёшларимизнинг билим даражаси ҳам юқори. У тўлиқ жаҳон андозаларига мос келади ва мафкуравий тарбияни қабул қилишга тайёр, ҳатто чанқоқ ҳам.

5. Оддий, одил фикрлашдан-илғор, кенг ижобий, илмий фикрлаш жараёнига ўтиш. Бугунги ёшларимиз ҳозирда илмий фикрлашга одатланган. Уларни тафаккурлари жуда серқирра ва кенг. Шоира Т.Содиқова айтганларидек: “Бизни болаларимизнинг тафаккури биздан-да, юксак, болаларимизнинг болаларини тафаккури, болаларимизникиданда юксак бўлмоғи лозим”.

Шу маънода ҳозирги, XXI аср ёшлари энг бахтли ва омадли, ёшлардир. Ўша ёшларимизни мафкуравий тарбиялаш давримизнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бизнинг мафкуравий тарбиямиз эса тарбия омилларимизнинг савияси ва шаклига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

- *Оила.* Жамиятнинг, давлатнинг, инсонинг келажаги оиладан бошланади. Оилада сингдирилган тарбия, Ватан, эл-юрт, мустақиллик, озодлик ҳақида бериладиган илк тушунча ва тасаввурлар боланинг мурғак қалбида бир умрга муҳрланиб қолади. Дину диёнатли хонадон оқсоқолларидан сўрасангиз, уларни лўнда қилиб, санаб беради:

- яхши ном қўйиш,
- яхши муаллим қйлига топшириб, саводини чиқариш,
- илмли қилиш,
- касбли-ҳунарли қилиш,
- бошини икки, уйли-жойли қилишдан иборат.

- *Мактабгача таълим масканлари.*

Бу таълим масканларининг вазифаси бола камолоти асосларини шакллантиришдан, унинг маданий-ахлоқий эҳтиёжларини, дастлабки меҳнат кўникмаларини мустаҳкамлашдан иборатдир. Бу нарса мафкурамиз учун муҳимдир.

- *Умумий таълим мактаблари.*

Ёшларни 50 % ёшлик ҳаёти мактабда ўтади. Ундан мафкуравий тарбия жараёнида унумли фойдаланиш, қолаверса тўғри ташкил этиш лозим бўлади.

- Касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, ўрта-махсус билим юртлар. Бу даврда ёшларнинг ўзгарувчан “катта бўлиб” қолган даври келади.

- *Олий таълим даргоҳлари.*

Ёшларни институтлар, университетларда мустақил шахс сифатида тарбиялаш, мустақил «ҳаёт» даври кечади.

- *Маҳалла.*

Маҳалла халқимизнинг азалий анъаналарига таянган маскан. Кексаларни панд-насихати, катталарни шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида маҳаллада одамлар онгига эзгулик, ватанпарварлик, миллийлик ва инсонпарварлик ғоялари сингдирилиб борилади. Халқимизда “бир болага 7 маҳалла ота-она” деган нақл мавжуд, бу бежиз эмас. Инсон бошқа масканларда

ишлайди, ўқийди, ижод қилади, маҳаллада эса яшайди. Халқ тили билан айтанда “Бир йигитни билмоқчи бўлсангиз тўю маракада ўтириб, туришини кўринг”.

- *Жамоат ташкилотлари.*
- *Нодавлат, нотижорат жамоалар.*
- *Диний ташкилотлар.*
- *Сиёсий партиялар.*
- *Оммовий ахборот воситалари.*
- *Сиёсий бошқарув тизими ва бошқалар.*

Мафкуравий тарбия шаклланишидаги манбалар:

- ҳаққоний ёритилган халқ тарихи,
- ватанпарварлик туйғуси,
- сиёсий маданият,
- маърифат,
- дин,
- санъат, нафосат,
- ахлоқ,
- фалсафа,
- табиат,
- қадрият,
- она тили,
- халқ оғзаки ижоди,
- тасаввуф таълимоти
- бадиий адабиёт,
- халқ байрамлари,
- Конституция,
- Ўзаро мулоқат маданияти,
- Шахсий маълумот,
- Кадрлар ва бошқалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мафкуравий ишлар умумхалқ, умумдавлат ишидир.

Мафкуравий тарбиянинг асосий мақсади халқимизнинг бугунги ва келгусидаги манфаатларини ифодаловчи энг сара ва энг соғлом ғояларни ёш авлоднинг онги ва қалбига сингдиришга қаратилган. Мафкуравий тарғибот ишларининг муваффақиятини қуйидаги қонунлар белгилайди:

- бошқаларни бирон бир ғояга ишонтирмоқ учун, аввало, унинг илмий, ҳаётийлигига ўзинг юракдан ишонмоғинг шарт;
- бошқаларни ёндирмоқ учун ўзинг ҳам ёнишинг керак;
- бошқаларни ғафлат уйқусидан уйғотмоқ учун ўзинг уйғоқ ва бедор бўлишининг шарт. Ана шундагина тарғибот қилаётган ғоянг бунёдкор кучга айланади.

Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш омили ва воситалари.

Ўзбекистонда мафкуравий жараёнларни ташкил этишнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- белгиланган тадбирларнинг юқори даражада уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлаш;

- миллий истиқлол ғоясининг тарғиботи сифатини мунтазам ошириб бориш;

- давр талабларидан келиб чиққан ҳолда мафкуравий ишларни ташкил этишнинг янги, самарали йўллариини излаш;

- бу соҳада эски услубларнинг мутлақлаштирилишига, андозалаштиришга йўл қўймаслик;

- мафкуравий жараёнларни ташкил этишда ижтимоий муҳитни ҳисобга олиш;

- мафкуравий жараёнларни ташкил этишда учрайдиган расмийчилик ва мажлисбозлик кўринишларига барҳам бериш;

- мафкуравий фаолиятнинг қанчалик самарали олиб борилаётганини билиш мақсадида унинг мониторингини ташкил этиш.

Миллий ғоянинг тарғибот-ташвиқотини ташкил этишда қуйидаги ташкилий тамойилларга амал қилиниши мақсадга мувофиқ:

- *кенг қамровлилик*, бунда жамиятнинг барча аъзоларига ғоялар хилма-хиллиги асосида мафкурани сингдириш, бу жараёнда аҳолининг барча қатламларини қамраб олиш назарда тутилади.

- *узлуксизлик* - миллий истиқлол ғояси тарғиботининг маконда ва замонда доимийлигини, унинг яхлит тизим шаклига келтирилишини аниқлатади.

- *кетма-кетлик* - ҳар бир босқич учун тараққиёт ва инсон камолотига хизмат қиладиган кадриятларни сингдириш мақсадида мафкуравий ташвиқот режалаштирилади;

- *босқичма-босқичлик* - миллий мафкурани тарғиб қилишнинг руҳий жиҳатлари билан боғ-лиқ бўлиб, ҳам тарғиб қилувчи, ҳам қабул қилувчининг муайян тайёргарлик босқичларидан ўти-шини тақозо қилади.

- *меъёрийлик* - аксилтарғиботни келтириб чиқарадиган, ҳаётдан узилиб қолишга олиб келадиган баландпарвозлик, расмийчилик ва такрорланишларга йўл қўймайди;

- *шахсий ибрат* - миллий ғояни тарғиб қилишда муваффақиятни таъминлайдиган муҳим омиллардан бири.

- *илгор тарғибот-ташвиқот технологияларидан фойдаланиш* - бунда ғоявий тарғиботга инсонларни моҳирона бошқариш усули сифатида қаралади. Миллий истиқлол ғоясининг тарғибот-и қотиб қолган нарса эмас, фаол жараёндир. Мақсадга эришиш учун тарғиботнинг фаол шаклларида, замонавий технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ёшлар орасида тарғибот олиб борилганда мунозара, баҳс, давра суҳбати каби шакллардан оқилона фойдаланилса мақсадга тезроқ ва тўлароқ эришиш мумкин. Ёшларнинг физиологик ва руҳий хусусиятлари ваъз ва маърузаларни эмас, кўпроқ интерактив усуллар ва санаб ўтилган тарғибот шаклларида фойдаланишни тақозо қилади.

3

Ўзбекистонда демократик давлат ва фуқаролик жамияти бунёд этилаётган ҳозирги жараёнда, инсонни барча имкониятларини намоён қилишга, ўзлигини

англашга шароит яратилган. Айниқса мустақиллик йилларида мураббийлар фаолияти тубдан ўзгарди.

Президентимизнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарининг сўнгги фасллари зиёлилар меҳнатига, касбига ва маънавий соҳадаги ижодига ҳамда келгусидаги вазифаларга бағишланган. Айниқса, китобнинг “Инсон қалбига йўл” фасли зиёлилик касбларининг сермашаққат меҳнатларига, жумладан ўқитувчилик ва мураббийлик касбини жамият ва ҳаётдаги ўрнига муносабат билдиришга бағишланган.

Президентимиз ўз асарида ёзади: «Барчамизга аёнки, инсон қалбига йўл аввало таълим тарбиядан бошланади. Шунинг учун қачонки бу ҳақда гап кетса, аجدодларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга, ота-оналаримиз қатори биз учун энг яқин бўлган буюк зот-ўқитувчи ва мураббийларнинг олижаноб меҳнатини ҳурмат билан тилга оламиз.

Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биричи галда ана шу машаққатли касб эгаларига суянамиз ва таянамиз, эртага ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар бекиёс эканини ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Бу ёруғ оламда ҳар бир одам ўзининг меҳрибон ота-онасига, устоз ва муаллимларга нисбатан ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди. Инсон ўз умри давомида қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин, қаерда, қандай лавозимда ишламасин, мактаб даргоҳида олган таълим-тарбия унинг етук шахс ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида улкан аҳамиятга эга экани шубҳасиз.

Мухтасар айтганда, мактаб деган улуғ даргоҳнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ҳиссаси ва таъсирини, нафақат ёшларимиз, балки бутун халқимиз келажагини ҳал қиладиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, маърифатпарвар боболаримизнинг фикрини давом эттириб, агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир, десак, ўйлайманки айни ҳақиқатни айтган бўламиз”.

Бу ердаги мушоҳадаларида Президент Ислом Каримов ибрат мактаби ва унинг дебочасида турган ўқитувчилик касбига атрофлича баҳо беради. Ўқитувчилик касби дунёдаги барча демократик давлатларда шарафли касб ҳисобланади, жумладан мамлакатимизда ҳам. Биз мураббийлар шу касбда ишлаётганлигимиздан ва бўлажак ўқитувчилар шу касбни эгалламоқчи бўлганликларидан том маънода фахрланишимиз керак. Шу касбга садоқат ва самимият билан ёндашмоғимиз зарур. Юқоридаги Президент ўғит ва сабоқлари биздан шуни тақозо қилади.

Ўзбекистон ёшларида маънавий фазилатларни камол топтириш, улар онгида миллий мафкура, миллий ғояни шакллантириш, бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга мухаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1990 йил 30 июндаги

115 сонли буйруғи асосида Маънавий-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари ўрнига “Умумий ўрта таълим муассасалари маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлари ҳақида” Низомнинг янги матни қабул қилинди¹.

Умумий қоидалар

Маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонунлар, Президент Фармонлари, Ҳукумат қарорлари, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа юқори ташкилотларнинг қарор, буйруқ ва меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида олиб борилади.

Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари ота-оналар ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ўқувчи-ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг онгига она-Ватанига, халқига ва унинг бугунги бунёдкорлик ишига эҳтиром билан қараш руҳида тарбиялашга раҳбарлик қилади.

*Бошқарув тизимида илм ва санъатнинг махсус турлари борасида фозил,
ақлли ва турли даражаси маҳоратга эга бўлган кишиларнинг ўрни
алоҳида ифодаланади.*

Абу Наср Форобий

*Идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти азият чекканларнинг ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш, жамиятнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишдан
иборат.*

Абу Райҳон Беруний

Буюриш бўйсунушдан кўра қийинроқдир.

Ф. Ницше

Замонавий раҳбарлик мулоқотсиз амалга ошмайди. Инсон жамиятда яшар экан, у доимий ижтимоий муҳитда бўлиб, ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилинар экан, бу жараёнда у мулоқотсиз яшай олмайди. Бу йўналишда мулоқот унинг турлари жуда кўп, фақат сиз ишлаб чиқаришда муаффақиятга эришиш учун ва айниқса, раҳбарлик фаолиятингизда юксак натижаларга эришишда улардан қайси бирини танлашингизга боғлиқ.

Шундай экан, биз ўзимизнинг мулоқот маҳоратимизни, мулоқотга торта олиш санъатимизни билишимиз зарур².

“Тақдир битиклари” асарининг муаллифи Қурбон Амиркулов ўз асарининг “Раҳбарлик осонми?” қисмида қуйидагиларни ёзади³:

“Яхши ҳунар эгаси, касб устаси бўлиш бошқаю, раҳбарлик қилиш бошқа.

Жамиятнинг ҳамма бўғини раҳбарга муҳтож бўлганига қарамай, “раҳбар” деб аталадиган алоҳида касб йўқ.

Баъзида ўзимча: “Раҳбар чангалзор қоидадаги “табиий танлаш” қонуни билан пайдо бўладими?” дея ҳазил аралаш истехзоли ҳаёлга ҳам бораман.

¹ Ҳасанбоев Ж. ва бош. Маънавий ахлоқий тарбия асослари. –Т.: 2000. 28-31 бетлар.

² Йўлдошев М., Назарзода Н. Раҳбарлик психологиясида ахлоқ. –Т.: Шарқ, 2010. 5 бет.

³ Амиркулов Қ. Тақдир битиклари. –Т.: Маънавият, 2006. 276-277 бетлар.

Ҳазиллашаман-у, лекин унинг замирида катта ҳақиқат борлигини ички бир туйғу билан сезаман. Ахир, раҳбар дегани осмондан тушмайди-ку!

Одамлар жамоасида тенг ҳуқуқлар асосида меҳнат қилаётганлардан бири ўзининг бошқалардан устунроқ томонлари билан кўзга ташланади ва унга “раҳбар” бўлишга йўл очилади. У юқори поғона раҳбари бўлиши учун жуда кўп зинапоялардан кўтарилиши керак.

Раҳбарлик лавозимида интилиш чўққига тирмашиб чиқишдек гап. Ҳар қадамда кўзга кўринмас “офат”лар бор. Бу офатлардан омон-эсон ўтиш ва кўзга кўринган “раҳбар” бўлиш учун ҳам кишида Оллоҳ берган “азизий” ақл бўлиши зарур.

Менимча, раҳбарлар асосан икки тоифага мансуб бўлади. Сиёсий раҳбарлар ва халқ хўжалиги йўналишида бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган раҳбарлар. Сиёсий раҳбарларга давлат бошқаруви, партия ва касаба уюшмалари, турли сиёсий оқимларнинг катта-кичик раҳбарлари киради.

Мен сиёсий ишлар билан шуғулланмаганман. Бевосита ишлаб чиқариш соҳасида шаклланган раҳбарман. Шунинг учун ҳам раҳбарлик ҳақида гапирганимда фақат халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш соҳасида фаолият олиб борадиган раҳбарларни назарда тутаман ва айнан ўшалар ҳақида фикр юритаман”.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг ёш раҳбар фаолияти учун аҳамияти¹

1. Ёш раҳбарни инсон сифатида ўзлигини англашга ёрдам беради.
2. Ёш раҳбарни ўз раҳбарлик фаолиятида, бошқарувни амалга оширувчи маънавият, маънавий кадриятлар ва меросга, умумэтироф этилган демократик кадриятларга таянишга ўргатади.
3. Ёш раҳбар ахлоқини шаклланишига инсонларни, ёшларни кадрлашга инсон эркинлиги, кадр – қиммати, ҳуқуқ ва манфаатларини устуворлигига ўргатади.
4. Ёш раҳбар фаолиятида: “Миллий ғоя”, “маънавият”, “кадрият”, “маънавий мерос”, “маданий бойликлар” тушунчалари билан бирга “Маънавий таҳдид”, “Ахборот хуружлари”, “Мафкуравий кураш”, “Инсон онги ва қалби учун кураш” тушунчаларининг фарқини билишга ёрдам беради.
5. Ёш раҳбарни халоллик ва покликка ундайди. Бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаслик, тамагирликдан ўзини сақлашга ёрдам беради.
6. Ёш раҳбарга Жамият ҳаётида моддий ва маънавий ҳаётни уйғун бўлиши зарурлигига ўргатади.
7. Ёш раҳбарни инсон қалбига йўл топа олишга ўргатади.
8. Ёш раҳбарни маънавий етук инсон яни комил инсон бўлишга ундайди.
9. Ёш раҳбар ва барча учун маънавият маънавий зарурият эканлигини, юксак маънавият идал эканлигини англашга ёрдам беради.
10. Ёш раҳбарни лоқайд ва бефарқ бўлмасликка даъват этади.

Маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида камида 5 йил педагогик иш стажига эга бўлган, қобилятли,

¹ Ушбу маълумот профессор И.Эргашев маърузасидан олинди.

махалла, ота-оналар ва кенг жамоатчилик ўртасида ҳурмат-эътиборга лойиқ бўлганлар туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан тайинланади ва бўшатилади.

Директор ўринбосарининг асосий мақсади

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириши, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой тарихий ва маданий меросимизга, миллий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга мухаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш; кенг фикрли, соғлом, жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан баркамол, иқтисодий ислохотларнинг моҳиятини тушунадиган ҳамда уларни янги ижтимоий муносабатлар орқали ҳаётга тадбиқ эта оладиган, миллий ғоя ва истиқлол мафкурасига содиқ бўлган шахсларни шакллантириш директор ўринбосари фаолияти мақсадининг асосини ташкил этади.

Директор ўринбосарининг асосий вазифалари

- Миллий ва умуминсоний қадриятлар, халқимизнинг бой тарихий, маданий ва маънавий мероси асосида-ўқувчи-ёшлар дунёқарашини шакллантиради, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, иймон-эътиқод, меҳршафқатлилиқ каби инсоний фазилатлар мисолида уларни ҳар томонлама баркамол авлод қилиб тарбиялайди;

- “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Республика Олий Мажлиси сессияси материаллари, Президент фармонлари, асарлари, нутқлари, ҳукуматимиз қарорлари, таълим бошқаруви органлари меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида ўз ишини амалга оширади;

- директор ўринбосари Маънавий-тарбиявий ишларини режалаштиришда синф раҳбарларининг қизиқишларини, топшириқларни қай даражада бажара олишларини ҳисобга олади;

- ўқувчиларда Ватанга мухаббат, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Конституцияси ва Давлат рамзларига садоқат ҳисларини тарбиялайди;

- маънавий, ақлий, жисмоний баркамоллик, иқтисодий, ҳуқуқий саводхонлик, меҳнатсеварлик руҳида, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва тарбиялаш йўналишида, «Оила, маҳалла, мактаб» концепциясини ҳаётга тадбиқ этиш руҳида тарбиялайди;

- ёшларимиз онгига она-Ватанга, буюк аجدодларимиз мероси ва халқимизнинг бугунги бунёдкорлик ишларига юсак эҳтиром туйғуларини сингдириб боради;

- қадимий тарихий ёдгорликлар билан бир пайтда мустақиллик даврида бунёд этилган маъриват масканларига, табиатимиз қўйнига саёҳатлар, музей ва кўргазмаларга экскурсиялар ташкил этади;

- ота-оналарни мактабга таклиф этишда, ҳокимият қошидаги вояга етмаганлар билан ишловчи комиссия ишида, корхоналардаги мактабга ҳамкорлик кенгашларида бола таълим-тарбияси билан боғлиқ бўлган йиғилишларда, мактабдаги тарбия муаммоларига бағишланган барча назарий-амалий методик ишларда қатнашади;

- бошқа таълим-тарбия масканлари иш тажрибасини ўрганади;

- педагогик кенгаш ёки синф раҳбарлари методика бирлашмалари кенгашларига қўйилган масалаларни муҳокама қилади;

- Маънавий-тарбиявий ишларга барча ўқитувчилар жамоаси, «Камолот» жамғармаси ва бошқа ташкилотлар, болалар етакчиси, ўқувчилар, мураббийлар, маҳалла ва ота-оналар қўмитаси аъзоларини жалб қилади, улар ишларини мувофиқлаштиради;

- мактабдан ва синфдан ташқари Маънавий-тарбиявий ишларни йўлга қўяди, барча тўғарак, бирлашмаларга (тураржойга қараб), эркин фикрловчи “Фидокорлар” клубига ўқувчиларни синф раҳбарлари билан ҳамкорликда жалб қилади ва улар ишини мунтазам равишда назорат қилиб боради;

- Ислондаги мавжуд юксак маънавий умуминсоний қадриятларни, уларнинг маданият ва маънавиятнинг ривожланишига таъсирини, дунёвий давлат ва фуқаролик жамияти шароитларида уларнинг ўрни ва ролини ўрганади ва улар моҳиятини очиб беради;

- Ислон ва Республика аҳолиси эътиқод қиладиган бошқа динларнинг тарихий, илмий асослари тўғрисидаги чуқур билимларни дунё динлари тарихи воситасида шакллантиради;

- экстремизм ва диний ақидапарастликнинг ҳар қандай шакллари реакцион моҳиятини кенг тушунтиради, унинг ёшларга таъсири олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади ҳамда уни ҳаётга тадбиқ этади;

- Республикада яшаб турувчи халқлар, миллат ўртасида дўстлик ва тотувлик сиёсати асосларини тарғиб қилиш ва ҳар томонлама тушунтириш ишларини олиб боради;

- таълимнинг ўқувчилар қобилиятлари ва истеъдодларининг ҳар томонлама намоён бўлишига қаратилишини таъминловчи жараёни ташкил этиш, унинг мазмунини тубдан янгилаш, миллий ва умуминсоний идеаллар ва қадриятларнинг устувор аҳамиятини ошириш, шахс ва атроф-муҳит муносабатларини уйғунлаштириш, ўқувчиларнинг дунёқарашини юксак маънавият, маданият ва ижодий тафаккур заминида шакллантириш бўйича чора-тадбирлар белгилайди;

- таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда Ватан ва ўз халқи учун фахрланиш, унинг қадимий тарихига ҳурмат билан қараш, уларнинг улуг келажагини таъминлаш учун дахлдорлик ва жавобгарлик туйғуларини тарбияловчи турли-туман тадбирларни амалга оширади;

- педагогик тарғибот ишларини олиб боради;

- мактаб ўқувчилар жамоасининг шаклланишида, уларда инсонийлик ва демократлаштиришнинг чуқурлашувида муқобил шароитни вужудга келтириб иш юритади;

- синф ва тўғарак раҳбарлари билан маънавий-маърифий, Маънавий-тарбиявий ишларни олиб боради ҳамда методик адабиётлар жамғармасини ташкил этади;

- мамлакатимизда нишонланадиган: «Мустақиллик», «Конституция», «Хотира ва Қадрлаш куни», «Наврўз», «Ўқитувчилар ва мураббийлар», «Халқаро хотин-қизлар», «14 январь-Ватан ҳимоячилари куни», «Биринчи қўнғироқ», «Сўнги қўнғироқ», «Битирувчилар кечаси» каби анъанавий

байрамларнинг Маънавий-тарбиявий жиҳатдан юқори савияда ўтишини таъминлайди;

- таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Давлат рамзларига амал қилиш бўйича жорий этилган тартиб асосида фаолият кўрсатади;

- ўқувчилар онгига мустақиллик мафкураси ва миллий ғояни сингдиради. Кутубхонанинг маънавий тарбия ишларига раҳбар қилади;

- мактаб руҳшунос мутахассиси билан ҳамкорликда иш олиб боради;

- таълим муассасалари тиббий ходимлари билан ҳамкорликда ўқувчилар соғлигини муҳофаза қилади;

- йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги дарсларини ва унга оид тадбирларни назорат қилиб боради;

- мактаб ўқувчиларининг ўз-ўзини бошқаришига ашроит яратади, қобилиятли ва истеъдодли ўқувчиларга алоҳида муносабатда бўлади, уларнинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга кўмаклашади;

- ҳафтанинг ҳар жума куни мамлакатимиз ва жаҳондаги сиёсий, ижтимоий, маънавий ўзгаришлар ҳақида “Янгиликлар соатини” ўтказиб боради, байрамларнинг юқори савияда ўтишини таъминлайди.

“МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ”

фанидан ТЕСТЛАР

1. Ғоя ва мафкураларни тарихдаги ўрнини аниқланг?
 - А. Ғоя ва мафкуралар тарихда одамларни истило ва истибдодга чорлаган.
 - Б. Ғоя ва мафкуралар тарихда даврлар алмашинувига хизмат қилган.
 - В. Ғоя ва мафкуралар тарихда унчалик рол ўйнамаган.
 - Г. Ғоя ва мафкура жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради.
2. Маърифатпарварлик ғоялари қайси алломалар томонидан илгари сурилган?
 - А. Аҳмад Дониш, Беҳбудий, Фитрат.
 - Б. Мирзо Бедил, Абдулла Авлони, Ибн Сино.
 - В. Беруний, Фарғоний, Мунаввар Қори.
 - Г. Аҳмад Яссавий, Юсуф Ҳамадоний, Чўлпон.
3. Бунёдкорлик ғояси нима?
 - А. Тарих ғилдирагини олдинга чорловчи восита.
 - Б. Яхшиликка интилиш.
 - В. Шарқ ва Ғарб маданиятини бир-бирига чорловчи тушунча.
 - Г. Инсониятнинг олийжаноб мақсадлари, орзу интилишларини рўёбга чиқаришда хизмат қиладиган ғоя.
4. Мафкураларнинг дастлабки асосини аниқланг?
 - А. Ахлоқий билимлар.
 - Б. Мифологик тасаввурлар.
 - В. Диний тушунчалар.
 - Г. Дунёвий билимлар.
5. Инсоният тараққиётига энг катта хавф солаётган фаолият нима?
 - А. Ақидапараслик.
 - Б. Шовинизм.
 - В. СПИД.
 - Г. Қуролланиш пойгаси.
6. Мафкуравий полигонлар тушунчаси Ислом Каримовнинг қайси асарида илгари сурилган?
 - А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда.
 - Б. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин.
 - В. Миллий мафкура халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.
 - Г. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз.
7. “Совуқ уруш” даврини белгиланг.
 - А. 1945-1991 йиллар.
 - Б. 1991-1995 йиллар.
 - В. 1985-1991 йиллар.
 - Г. 1991-2001 йиллар.
8. Мафкуравий иммунитетнинг биринчи воситаси нима?
 - А. Билим.

- Б. Дин.
В. Қадриятлар.
Г. Фан.
9. Иммуниетет тушунчасини маъноси нима?
А. Сакраш.
Б. Қутулиш.
В. Тажовуз.
Г. Даволаниш.
10. Мафкуравий иммуниетет қандай ҳосил бўлади?
А. Туғма.
Б. Физиологик.
В. Сиёсий.
Г. Тарбиялаш-шакллантириш.
11. Геосиёсат тушунчаси нима?
А. Минтақавий низолар.
Б. Халқаро муаммолар.
В. Турли хил давлат ва халқлар манфаатлари тизими.
Г. Сиёсатнинг бир тури.
12. Геосиёсат тушунчасини муомалага ким киритган?
А. И.Каримов.
Б. Де.Трасе.
В. Р.Челлен.
Г. Н.Макиавелли.
13. Ватанимизга ёт ғоялар қандай ниқоблар билан киришга уринди?
А. Тижорат.
Б. Санъат.
В. “Миллатдош”, “Диндош”.
Г. Савдо-сотиқ.
14. Гегемонлик нима?
А. “Хукум”.
Б. “Тазйиқ”.
В. “Раҳбар”.
Г. “Йўлбошчи”.
15. Ғоялар ўз моҳиятига кўра қандай намоён бўлади?
А. Бунёдкор ва вайронкор.
Б. Яхши ва ёмон.
В. Илмий ва диний.
Г. Барча жавоблар тўғри.
16. “Туркистон умумий уйимиз” шиори қачон ким томонидан илгари сурилган?
А. 1993 йил, Н.Назарбоев.
Б. 1993 йил, А.Акаев.
В. 1994 йил, И.Раҳмонов.
Г. 1995 йил, И.Каримов.
17. Марказий Осиё халқларини дўстлиги ва қардошлигини боғловчи 5 тилда чиқадиган нашрни аниқланг?

- А. Туркистон.
 - Б. Туркистон умумий уйимиз.
 - В. Ўрта Осиё.
 - Г. Марказий Осиё маданияти.
18. Иқтисодиётнинг жамиятдаги ўрнини аниқланг?
- А. Иқтисодиёт жамиятнинг сиёсатидан устундир.
 - Б. Иқтисодий қонунлар объективдир.
 - В. Иқтисодиёт сиёсатга эргашади.
 - Г. Иқтисодиёт мафкурага хизмат қилади.
19. Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг маънавий соҳадаги вазифаларини аниқланг?
- А. Миллий қадриятларни тиклаш.
 - Б. Миллий ўзликни англаш.
 - В. Хукукий тенглик.
 - Г. Мулкни хусусийлаштириш.
20. Комил инсон бу...
- А. Ахлоқли, илмли киши.
 - Б. Ақлли, ватанпарвар киши.
 - В. Энг юксак маънавий ва жисмоний фазилатларни ўзида мужассам этган шахс.
 - Г. Маънавий етук инсон.
21. Миллий тотувлик бу ...
- А. Халқларнинг ўзаро дўстлиги.
 - Б. Миллиятларнинг ўзаро ҳамкорлиги.
 - В. Бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат вакиллариининг ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик.
 - Г. Тўғри жавоб йўқ.
22. Диний экстримизм бу...
- А. Динни тарғиб қилиш.
 - Б. Диний партияларни тузиш.
 - В. Ўз диний дунёқарашини зўрлик билан, куч ишлатиб бошқаларга сингдириш.
 - Г. Динни ниқоб қилиб кийиб олиш.
23. Умуминсоний қадриятлар тушунчасини таърифланг?
- А. Бу-инсон томонидан яратилган моддий бойликлар.
 - Б. Бу-халқ ёки миллатнинг маданий мероси, урф-одатлари, анъаналари.
 - В. Бу-халқнинг диний қарашлари.
 - Г. Бу-шахснинг ахлоқий онги.
24. Тоталитаризмнинг моҳияти нимадан иборат?
- А. Жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига аралаштириш ва ўзига бўйсиндириш.
 - Б. Жамият ва шахс устидан ҳокимиятнинг ёппасига назоратга олган сиёсий режим.
 - В. Демократияни тиклаш.
 - Г. Инсон эркинлигини чегаралаш.
25. Биринчи бор фашизм қачон ва қаерда ўрнатилган эди?
- А. Италияда 1922 й.
 - Б. Германияда 1922 й.

- В. Испанияда 1922 й.
Г. Руминияда 1922 й.
26. Ислом Каримовнинг Юксак маънавият- енгилмас куч асарининг тақдимоти қачон ўтказилган?
А. 2008 йил 20 январь.
Б. 2008 йил 15 май.
В. 2008 йил 31 август.
Г. 2008 йил 1 октябрь.
27. Ғоявий заифлик ва мафкуравий беқарорлик қандай салбий оқибатларга олиб келади?
А. Миллатлараро бирдамликка таҳдид солади.
Б. Мамлакатни қарамлик исканжасига солади.
В. Жамиятни сунъий равишда қарама-қарши тарафларга ажратади.
Г. Барча жавоблар тўғри.
28. Ўзбекистон давлат сиёсатида қайси вазифа устивор ҳисобланади?
А. Ижтимоий муҳофаза.
Б. Иқтисодий-экологик.
В. Маданий.
Г. Маънавий-маърифий.
29. “6+2” гуруҳига қайси мамлакатлар кирмайди?
А. Хитой, Тожикистон.
Б. Ўзбекистон, Покистон.
В. Эрон, Туркменистон.
Г. Қозоғистон, Қирғизистон.
30. БМТ нинг асосий мақсади нимадан иборат?
А. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш.
Б. Ҳарбий ҳаракатларни қўллаб қувватлаш.
В. Мамлакатларнинг иқтисодий интеграциясини таъминлаш.
Г. Мамлакатларга иқтисодий ёрдам бериш.
31. Ҳозирги кунда умумбашарий муаммоларнинг қайси бири долзарб ҳисобланади?
А. Экологик муаммолар.
Б. Демографик муаммолар.
В. Урушларнинг олдини олиш.
Г. Озиқ-овқатнинг етишмаслиги муаммоси.
32. Ғояга, фикрга, жаҳолатга қарши нима билан баҳсга киришиш мумкин?
А. Мафкура.
Б. Сиёсат.
В. Маърифат.
Г. Дин.
33. Мустақиллик рамзларидан қайси бири дастлаб қабул қилинган?
А. Конституция.
Б. Герб.
В. Мадҳия.
Г. Байроқ.

34. Баркамол авлод тушунчаси луғавий мағноси нима?
А. Комиллик.
Б. Жалоллик.
В. Комилликка етакловчи.
Г. Фақир инсон.
35. Ўзбекистонда маънавий бурилиш йили қачон.
А. 1993 йил.
Б. 1994 йил.
В. 1995 йил.
Г. 1996 йил.
36. Энг олий қадрият нима?
А. Табиат.
Б. Тўй.
В. Инсон.
Г. Жамият.
37. “Мафкура” нима?
А. Ғоя.
Б. Бош ғоя.
В. Маърифат.
Г. Ғоялар ҳақидаги таълимот.
38. Ислом Каримовнинг “Элим деб юртим деб ёниб яшаш керак” деган шиори қачон илгари сурилган?
А. 1991 йил.
Б. 1992 йил.
В. 1993 йил.
Г. 1995 йил.
39. Маърифат нима?
А. Билим-билиш.
Б. Уқиш.
В. Ўқиш.
Г. Мактаб.
40. “Куч - билим ва тафаккурдаир” ибораси кимники?
А. Амур Темур.
Б. Улуғбек.
В. Навоий.
Г. Каримов.
41. Минтақамиздаги энг катта таҳдид нима?
А. Коллектив ҳавфсизликнинг йўқлиги.
Б. Манфаатлар тўқнаш келадиган жойда жойлашганлигимиз.
В. Муаммолари кўп жойда жойлашганлигимиз.
Г. Конлари кўп минтақада жойлашганлигимиз.
42. Ислом Каримов Ўзбекистон келажаги буюк давлат ғоясини қачон илгари сурган?
А. 1990 йил.
Б. 1992 йил.

- В. 1994 йил.
Г. 1996 йил.
43. Миллий ўзликни англаш деганда нимани тушунасиш?
А. Ўз она тилига, миллий қадриятларга, ўз тарихига эғалик қилиш.
Б. Инсонни ўзига ёки ўз миллатига тегишли моддий ва маънавий қадриятларнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини билиш.
В. Ҳар бир инсоннинг у яшаб турган, жамиятда эгаллаган мавқеини, ўз кадр - қимматини англаб етиш туйғуси.
Г. Мустақил равишда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий – маърифий тадбирларини амалга оширишини англаш.
44. Ислом Каримовнинг Юксак маънавият-енгилмас куч асари неча фасл (параграф) дан иборат?
А. 10.
Б. 15.
В. 12.
Г. 8.
45. Истиқлол мафкурасининг назарий манбалари?
А. Марказий Осиёда яшаб ижод этган буюк мутафаккирларнинг таълимотлари.
Б. Ўтмишда яшаган барча буюк мутафаккирларнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий, диний, ҳуқуқий қарашлар тизмидан ташкил топган миллий ва умуминсоний, маънавий мерос ҳамда мустақил Ўзбекистонда чиқарилган қонунлар, Президент И.А.Каримовнинг нутқлари.
В. Президент И.А.Каримовнинг асарлари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.
Г. Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси, И.А.Каримовнинг асарлари.
46. Миллий маънавий қадриятлар деганда нимани тушунасиш?
А. Ўзбек миллатига тегишли барча оғзаки ва ёзма бадий, илмий, фалсафий таълимотлар.
Б. Муайян миллатга тегишли бўлган барча маънавий мерос.
В. Фақат бир миллат томонидан яратилган, авлодларга ўтиб келаётган барча модий мерос.
Г. Бадий адабиёт, театр, мусиқа, меъморчилик соҳаси.
47. Ўзбекистонда Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги Қонун қачон қабул қилинган?
А. 1999 йил.
Б. 2000 йил.
В. 2001 йил.
Г. 2002 йил.
48. Ўзбекистоннинг “Мустақиллик Декларацияси” қачон қабул қилинган.
А. 1991 йил 31 августъ.
Б. 1989 йил 21 октябръ.
С. 1991 йил 1 сентябръ.
Г. 1990 йил 20 июнь
49. Ислом Каримовнинг Юксак маънавият-енгилмас куч асарида неча маънавий жасорат наъмуналари санаб ўтилган?

А. 11.

Б. 12.

В. 13.

Г. 14.

50. “6+2” гуруҳи қачон тузилган?

А. 1995 йил.

Б. 1998 йил.

В. 2000 йил.

Г. 2002 йил.

ГЛОССАРИЙ

Мафкура – фикрлар мажмуи, ғоялар тизими, эътиқод.

Миллий ғоя - миллатнинг ўтмиши, бугуни, истиқболи, манфаат ва мақсадини ифодаловчи ижтимоий ғоя.

Ғоя - муайян фикр, мақсад сари етакловчи куч.

Манфаат – индивид ёки ижтимоий гуруҳ фаолиятини, хулқини белгилайдиган асосий омил.

Ғоявий тарбия – Жамиятдаги мавжуд ғояларга фаол муносабат, фаол ҳаётий позицияни шакллантиришдир. Ғоявий тарбия ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий тарбиянинг асосини ташкил этади.

Ғоянинг турли кўринишлари – Мазмуни ва намоён бўлиш шаклига кўра – илмий, фалсафий, диний, бадий, ижтимоий-сиёсий, миллий ва умуминсоний ғояларга бўлинади.

Бунёдкор ғоялар – 1) Ислом Каримов томонидан назарий жиҳатдан асослаб берилган тушунча; 2) Жамият ва одамларни, турли гуруҳ ва қатламлар, миллат ва давлатларни тараққиёт сари етакловчи, халқни эзгу мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи ғоя.

Вайронкор (бузғунчи) ғоялар – 1) бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиладиган ғоялар мажмуини ифодалайдиган тушунча; 2) инсонни ва жамиятни тубанликка бошлайдиган, одамларни ғаразли ният ва қабих мақсадларга ундайдиган, халқлар ва давлатларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этадиган ғоялардир.

Миллий истиқлол ғояси – Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакиллариининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-идеалларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади.

Миллий истиқлол мафкураси – Миллий истиқлол мафкураси ҳар бир ватандошимизнинг оиласи, жамият, эл-юрт олдидаги бурч ва масъулиятини қай даражада адо этаётганини белгилайдиган маънавий мезондир.

Миллий истиқлол ғоясининг асосий ғоялари – Ватан равнақини таъминлаш ва юксалтириш; Юрт тинчлигини таъминлаш ва асраш; Халқ фаровонлигини таъминлаш; Комил инсонни тарбиялаш; Ижтимоий ҳамкорликни таъминлаш; Миллатлараро тотувликни таъминлаш; Динлараро бағрикенглик (толерантлик);

Миллий истиқлол ғоясининг бош ғояси – Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир.

Шовинизм – миллатчиликнинг ўзига хос шакли, бошқа миллатларни менсимаслик ва ўз миллатининг уларга нисбатан устунлигини асослашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими ва амалиёти

Миллатчилик – ўз миллатининг манфаатларини бошқа миллатлар ҳақ-ҳуқуқларидан юқори қўйиб ҳал этишга интилувчи сиёсий оқим

Давлат – бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув аппаратига таянадиган, барча учун қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган сиёсий ташкилоти

Модернизм – диндаги замонавий фан-техника ютуқларидан фойдаланишни ёқлаб чиқувчи оқим

Традиционализм – анъанавийлик. Диний ақидаларни ва концепцияларни фан-техника ва ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга қараб қайта кўриб чиқишни рад этувчи оқим

Фундаментализм – маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин деган фикрни илгари суриш

Мафкуравий иммунитет – латинча Immunitatis сўзидан олинган бўлиб – бирор нарсадан озод этиш маъносини англатади. Шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан химоялашга хизмат қилувчи тизим

Барқарорлик – тинчлик, осойишталик

Ватан равнақи – ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир

Юрт тинчлиги – мамлакат барқарор тараққиётининг асосий шарти. Тинчлик – инсоннинг ҳаётий эҳтиёжи, эмин-эркин яшаши ва камол топишининг энг зарур омилидир

Халқ фаровонлиги – ҳар бир шахс ва оила фаровонлиги инсоннинг шахсий манфаатлари жамият манфаатлари билан уйғунлашиб кетади

Комил инсон – инсоннинг эзгуликка, ижтимоий бахт-саодатга, гуманистик ғояларга муносабати

Ижтимоий ҳамкорлик – турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги

Миллатлараро тотувлик – муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакиллариининг баҳамжиҳат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритиши

Диний бағрикенглик – хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши

Ички таҳдидлар – ўз Ватанига, ватандошига, ватандошларига зарар етказишга қаратилган ғоя, хатти-ҳаракатлардир.

Ташқи таҳдидлар – ташқи таҳдидлар асосан ғоявий бўшлиқ туфайли содир бўлади.

Экстремизм – Ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир-чоралар кўришга тарафдорлик.

Ҳизбут-тахрир – реакцион руҳдаги диний-сиёсий ташкилот бўлиб, араб тилидан “Озодлик партияси” деган маънони билдиради

Мулк – иқтисодий категория бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқариш ва кишилар ўртасидаги муносабатларда ифодаланади. Мулкнинг ижтимоий ва хусусий шакллари мавжуд.

Бозор иқтисодиёти – иқтисодий алоқаларнинг йиғиндиси бўлиб ўз қонунларига эга, яъни: эркин рақобат, эҳтиёж ва ишлаб чиқариш, талаб ва таклифларнинг миқдори ва таркибини бир-бирига мувофиқлаштириш, хусусий мулкчилик шакллариининг хилма-хиллиги, мулкка эгалик, хўжалик юритиш

ишларига фақат иқтисодий усуллар билан таъсир кўрсатиш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш каби иқтисодий қонунларга бўйсунади. Бозор иқтисоди халқнинг ижоди ва меҳнат имкониятларини юзага чиқариб, тадбиркорлик ва ишбилармонлик учун кенг йўл очади.

Менталитет – (лотинча «mens» - ақл, идрок) – жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қуввати.

Демократия – халқ ҳокимияти.

Янги жамият – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият.

Анъана – жамият ҳаёти турли соҳаларининг, моддий ва маънавий фаолият шакллари, кишилар ўртасидаги алоқалар ва муносабатларнинг авлоддан-авлодга ўтиши, аجدодлар ҳаёти, белгилари ва хусусиятларининг такрорланиш тарзи.

Урф-одат – кишилар турмушига сингиб кетган, доим такрорланиб турадиган хатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган ҳуқ-атвор қоидалари ва кўникмалар.

Мустақиллик – 1) Тазйикдан, назоратдан холи бўлиш, эркинлик; 2) иқтисодий, сиёсий, маънавий тобе бўлмаслик. Ўзбек тилида Мустақиллик атамаси одатда истиқлол сўзи билан яқин маънода қўлланилади ва узлуксизликни англатувчи чуқур, кенг қамровли жараёни акс эттиради.

Феномен – (юн. Phainomenon – юз берувчи) – 1) кўзга кўриниб турган ҳол; 2) ноёб, кам учрайдиган ҳол, ёки буюк, ягона бўлган инсон; 3) ҳиссий билиш, тажрибада берилган маълум бир ҳолни англатувчи фалсафий атама; ҳиссий тажриба ёрдамида пайқаладиган ва англанадиган ҳодиса, жонли мушоҳада объектини билдирадиган тушунча.

Миллий ғурур – 1) шахс, ижтимоий гуруҳнинг миллий ўз-ўзини англаши асосида шаклланадиган аجدодлари қолдирган моддий, маънавий меросдан, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, ўзга миллатлар олдидаги кадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодаловчи тушунча.

Муҳолифат – (арабча «муҳолафат» - келишмовчилик, тескарилашиш, қарама-қаршилик, зиддият) – расмий сиёсатга, ҳукмрон қарашларга мос бўлмаган нуқтаи назар, алоҳида сиёсий йўл, демократиянинг муҳим белгиси. Муҳолифат уч хил бўлиши мумкин: а) парламент доирасида; б) ундан ташқарида; ёхуд в) сиёсий партиялар ичида.

Маърифат – Маърифатнинг луғавий маъноси билиш, таниш, билим демакдир. Бошқача айтганда маърифат билмоқ, кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия жараёнидир. Маърифат сўзининг кўпчиликдаги маъноси маорифдир. Маърифат атама сифатида – табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли-туман билимлар, маълумотлар мажмуасини билдиради.

Эътиқод – Дунёқараш. Бирор динга эътиқод қилиш – уни ҳақ деб билиб, уни таълимотини тан олиш.

Тасаввуф – исломдаги диний-фалсафий оқим. 8 асрда араб мамлакатларида пайдо бўлган. Бу таълимот ўша даврда савдогарлар ва қосибларнинг манфаатини кўзлаган. Тасаввуфнинг асосий моҳияти инсон ва унинг Худога муносабатидир, яъни солиҳнинг Худо васлига етишишидир.

Комиллик – инсоннинг камолотга эришув жараёнидаги баркамоллиги даражасини ифодаловчи тушунча. Комилликнинг ҳар бир даврга хос мезонлари мавжуд. Нодонга нисбатан оқил, лоқайдга нисбатан сергак, бахилга нисбатан сахий, танбалга нисбатан серғайрат, қўрқоққа нисбатан ботирлик каби хислатлар ўзига хос ўлчов воситасини ўтайди.

Қадрият – умумбашарий, умуминсоний, миллий, минтақавий, шахсий, диний турларга бўлинади.

Аксиология – (юн. «axio» - қадрият ва «logos» - фан, таълимот) – қадриятшунослик; қадриятлар ҳақидаги фан.

Миллийлик – муайян халққа хос бўлган, уни бошқалардан фарқини кўрсатувчи хусусиятлар мажмуи. Миллийлик миллатнинг тарихи, қадриятлари, анъаналари, маданияти, яшаш тарзида яққол намоён бўлади.

Маънавият – (араб. – маънолар мажмуи) – кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи.

Умуминсоний қадрият – барча халқлар учун ижобий аҳамият касб этувчи, моддий ва маънавий манфаат, мезонлар мажмуи.

Миллий қадрият – миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ қадрият шакли.

Умумбашарий – бутун дунё, барча давлатлар ва халқларнинг иштирокисиз ечиш мумкин бўлмаган муаммоларга айтилади.

Озодлик – барча демократик эркинликларга эришишнинг, ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланган ва таъминланган жамиятнинг бош шарт.

Обод Ватан – фуқаролари эркин, озод, яратувчилик фаолияти билан банд бўлган, ҳавфсизлиги таъминланган фаровон ҳаёт қуриш макони.

Фуқаролик жамияти – иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёт соҳасига тўғри келадиган тушунчадир. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий соҳаси кўламига ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар, фуқароларнинг турли шаклдаги фаолияти, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳам мансубдир.

Эҳтиёж – инсон талаблари асосида пайдо бўладиган табиий хусусият; жонли мавжудот ҳаёт кечиришининг яққол шарт-шароитларга, унинг шуларга боғлиқ эканлигини ифода этувчи ҳолат.

Интеграция – миллий иқтисодиётларнинг сифат жиҳатидан янги шароитларга эга бўлиши ва, мамлакат тараққиёти имкониятларини кенгайтириш мақсадида, ихтиёрий равишда бирлашиши, бир-бирларига ўзаро таъсир этиши жараёни.

Ватанпарварлик – Ватанга нисбатан садоқат, унга хизмат қилиш, юрт тинчлигини асраш, Ватан равнақи учун фаол бўлишга ундайдиган ижтимоий, маънавий-ахлоқий фазилят.

Демократик институтлар – жамиятнинг демократик тузумини барпо этишга хизмат қилувчи омил бўлиб, унга қуйидагилар киради. 1) Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар. 2) Юридик мақомга эга бўлган муҳолифат. 3) Мулкчилик институти.

Шарқона демократия - урф-одат, қадриятларга асосланган ўзига хос демократия.

Сиёсий демократия - жамият сиёсий тизимини халққа яқинлаштириш, сиёсий адолатсизликларнинг олдини олиш.

Ирқчилик – одамлар ўртасидаги ижтимоий тенгсизлик, босқинчилик, зўравонлик ва урушларни кишиларнинг турли ирқларига мансублиги билан оқлашга хизмат қилувчи ғайримиллий таълимот. Ирқчилар инсонларнинг ижтимоий моҳиятини уларнинг биологик – ирқий (кўзи, сочи ва терисининг ранги, бош ва юз тузилиши каби ташқи, иккинчи даражали жисмоний) белгилар билан боғлаб, уларни олий ва қуйи, бекаму-қўст ва норасо ирқларга ажратадилар.

Ақидапарастлик – муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни, бошқа шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллашга уриниш. Бу атама фақат салбий маънода қўлланиб, муайян олим ёхуд оқим томонидан баён этилган қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий равишда кенгайтиришга уринишни англатади.

Фанатизм – Бирон ғояга, шахсга унинг мазмунини, моҳиятини чуқур англамасдан жоҳилларга ишониш ва унга эргашишдир ва у ҳаётда турли соҳаларда учрайди.

Манқурт – «Манқурт» ўз эли, тарихи, қон-қариндошини, ҳатто ўзи туққан онасини ҳам унутган, ўз келажагини тасаввур эта олмайдиган кишилар ва халқларнинг мажозий образи. У халқларнинг манқуртларга айланишида бош айбдор давлат ва мафкурага тўла бўйсундирилган жамиятдир деган хулосага келади. Масалан, Чингиз Айтматовнинг «Асрга татиғулик кун» романида «Манқурт» афсонасидаги шахс образи.

Тафаккур – (араб. – фикрлаш, ақлий билиш) – предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятлари аниқлайдиган, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишларни акс этадиган билишнинг рационал босқичи.

Ватан туйғуси – Ватан туйғуси бўлган кишидагина ватанпарварлик жўш уради. Президентимиз Ислом Каримов айтганидек: «Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғусини илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанчалик чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади».

Тарғибот-ташвиқот – инсонни бирор ҳаракатга рағбатлантириш ва кишида бирор нарсага шавқ уйғотишга йўналтириш.

Прагматив – ўз амалий фаолиятида кўпроқ фойда олишни ўйлайдиган ва шунга кўпроқ фойда олишни ўйлайдиган ва шунга кўпроқ аҳамият бериш зарур деб билгувчи шахс.

ИНФОРМАЦИОН ТАЪМИНОТ:

1. Адабиётлар рўйхати:

а) Асосий:

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва форовон ҳаёт пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И.А. Миллий мафкура-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
4. Каримов И.А. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи // Халқ сўзи. 2014 йил 16 май.
5. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. (дарслик) - Т.: 2005.
6. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: 2000.
7. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. (Қ.Назаров) - Т.: 2002.
8. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар фанидан изоҳли тажрибавий луғат. – Т.: 2004.
9. Milliy istiqlool g'oyasi. –Т.: 2009.
10. Миллий ғоя ва маънавий тараққиёт тамойиллари. –Т.: 2005.

б) Қўшимча:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: 2008.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: 1997.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: 1997.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. - Т.: 1999.
6. Каримов И.А. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. –Т.: 2009.
7. Каримов И.А. Адабиётга эътибор-маънавиятга. Келажакка эътибор. –Т.: 2009.
8. Президент Ислом Каримов асарлари библиографияси. –Т.: 2009.
9. Зоҳидов А., Ҳамидов А. Ўзбекистон миллий мустақиллик мафкураси. - Фарғона. 2006.
10. Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхут Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. - Т.: 2000.
11. Жалолов А. Мустақиллик маъсулияти. - Т.: 1996.
12. Мустақиллик: илмий, изоҳли оммуобоп луғат. - Т.: 2006.
13. Миллий истиқлол ғояси шакллантиришда ташкилий услубий ёндашувлар. - Т.: 2002.
14. Ўзбекистоннинг Миллий мафкураси. - Т.: 1993.

- 15.Эркаев А. Миллий ғоя моҳияти. - Т.: 2000.
- 16.Юсупов Э. Ёшлар ўртасида ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш йўллари. - Т.: 1996.
- 17.Миллий мафкура келажак пойдевори. - Т.: 2000.
- 18.Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Т.: 2004.
- 19.Жўраев. Н Файзуллаев.Т. Истиқлол ва тарихий жараён.- Т.: 2000.
- 20.Миллий ғояни шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар. -Т.: Академия. 2002.
- 21.Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. -Т.: 2007.
- 22.Ҳасанбоев Ж. ва бош. Маънавий ахлоқий тарбия асослари. -Т.: 2000.
- 23.Йўлдошев М., Назарзода Н. Раҳбарлик психологиясида ахлоқ. –Т.: 2010.
- 24.Амиркулов Қ. Тақдир битиклари. –Т.: 2006.
- 25.Қобилов Ш. Миллий хавфсизликнинг иқтисодий муаммолари. –Т.: Ўқитувчи, 2010.
- 26.Назаров Қ., Эргашев И. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. – Т.: 2007.
- 27.Эргашев И. Миллий истиқлол ғояси ва раҳбар фаолияти. –Т.: 2007.
- 28.Имомназаров М. Миллий манавиятимиз назариясига чизгилар. –Т.: 1999.
- 29.Имомназаров М., Саидов У. Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари. –Т.: 2005.
- 30.Очил С. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари (Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик И.А.Каримов асарлари мисолида). – Т.: 1997.

ИЛОВАЛАР:

Илова № 1.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

“Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида

Тошкент шаҳри

1994 йил 23 апрель

1. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда, истиқлол йўлида буюк давлат барпо этишда маънавият ва маърифат омилларини ҳисобга олган ҳолда, умуминсоний ва миллий кадриятлар уйғунлигига асосланган фуқаролик жамияти қуриш борасидаги фикр-мулоҳазаларни ва таклифларни эътиборга олиб, республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази ташкил этилсин.

2. Марказнинг самарали фаолияти ва ўз мақсади йўлидаги вазифаларни изчил бажариши учун миллий тафаккурни ривожлантириш, маънавият ва маърифатни янада камол топтиришга кўмаклашиш ниятида, унга 6-8 босма табоқ ҳажмида “Тафаккур” номли журнални чоп этиш, ноширлик ишларини юритиш ҳукуқи берилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари марказни ва унинг жойлардаги таркибий тузилмаларини ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсинлар.

4. Молия вазирлиги (Б. Ҳамидов) ва бошқа тегишли ташкилотлар марказни ҳамда журнал таҳририятини асосий зарур бўлган маблағ, ашё ва жиҳозлар билан таъминласинлар.

5. Вазирлар Маҳкамаси “Маънавият ва маърифат” марказининг ишларига тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўз қарорини қабул қилсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (А. Фозилбеков) марказни ва унинг журнали таҳририятини Тошкент шаҳри, Отатурк кўчасидаги 24-бинога жойлаштирсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

“Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида

Тошкент шаҳри

1996 йил 9 сентябрь.

Жамиятда юксак маънавий ғазилатларни камол топтириш, миллий мафқурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ҳал қилувчи омиллиди.

Одамларнинг ўзликларини чуқур англашини, мустақилликнинг қадрини тобора теран тушунишини, миллий тафаккурни кенгайтириш ва такомиллашувини, тарихий ҳурлик, мустақиллик руҳининг уйғонишини, таъминлаш маънавият соҳасидаги сиёсатимизнинг асосий мақсадига айланиши лозим. Аммо ҳануз жойларда маънавиятнинг моҳиятини, унинг олға силжишимиз, фаровон жамиятга тезроқ етишишимиздаги қимматини чуқур идрок этмаслик ҳоллари мавжуд.

Айрим катта-кичик раҳбарлар, зўравонлик мафқурасининг сарқитларида ҳалигача қутула олмай, бу борада кечириб бўлмайдиган оқсоқлик қилиб маънавиятнинг асл моҳиятини тушуниб етмаслик туфайли унга иккинчи джаражали иш сифатида қарамоқдалар. Маънавий-маърифий ишларга бўлган бундай эътиборсизлик келажаги буюк демократик, озод давлат қуришдек эзгу мақсадимиз рўёби учун мутлақо зиддир. Маънавият соҳасида олиб бораётган ишларимизни янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида:

Маънавий – маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши деб ҳисоблансин.

Жойлардаги маънавият билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилиши учун бутун масъулият шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари республикаимизда барча вазирликлар, идоралар, ташкилотлар биринчи раҳбарининг зиммасига юклатилсин.

1. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг жойлардаги бўлимлари ишини янада яхшилаш мақсадида ҳокимликлар уларни икки ой муддат ичида тегишли бино, замонавий жиҳозлар, транспорт ва техника билан таъминласинлар.

2. Ёшларимиз онгига она-Ватанга, буюк аجدодларимиз мероси ва бугунги мисли ккрилмаган бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш мақсадида уларни дунёни ҳайратга солган қадимий ёдгорликлар ва мустақиллик даврида бунёд этилган улкан иншоотлар, маърифат масканлари, юртимизнинг гўзал табиати билан мунтазам таништириб бориш учун махсус таништирув саёҳатлари ташкил этиш барча ҳокимлар зиммасига юклатилсин.

Бу мақсадда ҳокимликлар “Маънавият ва маърифат” маркази, Маданият ишлари вазирлиги, “Ўзбектуризм” миллий компанияси, “Камолот” ёшлар жамғармаси тегишли тавсияларни 2 ой муддат ичида ишлаб чиқсин ва амалга оширишга киришсин.

3. Республика “Маънавият ва маърифат” маркази, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларини истиқлол ғояларини, миллий қадриятларни теран англайдиган фидойи, ташкилотчи, ташаббускор ходимлар билан мустаҳкамлаш учун уларнинг раҳбарлари шу йилнинг охирига қадар қайта синовдан ўтказилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ҳудудий бўлимлар раҳбарлари тегишли ҳокимликлар тавсиясига биноан Республика “Маънавият ва маърифат” маркази томонидан тайинланади.

5. Ёш авлодни буюк анъаналаримизга, юксак маънавий қадриятларимизга содиқлик ва порлоқ келажак эгалари эканликларига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш мақсадида 1997 йилдан бошлаб 1 октябр “Ўқитувчилар ва мураббийлар” куни деб эълон қилинсин ҳамда дам олиш куни ҳисоблансин.

Бу байрамда ўтказиладиган тадбирлар ўқитувчилар, мураббийлар, тарбиячилар соғлиғини ҳимоялашга, жисмонан ва руҳан соғлом камол топтиришга ўз ҳаётини бахшида этган инсонларни улуғлашга бағишлансин.

Вазирлар Маҳкамаси бу борада тегишли таклифни Олий мажлисга киритсин.

6. Республика “Маънавият ва маърифат” маркази нашри “Тафаккур” журнаlines жойларда кенг ёйиш учун маҳаллий ҳокимликлар унинг обунасига ҳар томонлама ёрдам кўрсатсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси марказининг “Маънавият” нашрётини ташкил этиш, бу нашрётнинг ва “Тафаккур” журнаlinesнинг муаллифлик қалам ҳақи миқдорларини амалдагидан ошириш масаласини кўриб чиқсин ва ҳал этсин.

8. Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази, унинг жойлардаги бўлимлари, хўжалик ҳисобидаги корхоналари ҳамда “Тафаккур” журнаlines низомида кўрсатилган мақсадлар ва вазифаларга қатъий мос келадиган фаолият йўналишлари бўйича барча турдаги солиқлардан беш йил муддатга озод этилсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокими зиммасига икки ой муддатда марказнинг асосий биносини миллий услубда таъмирлаш ва замонавий жиҳозлаш юклатилсин.

10. Молия вазирлиги марказга махсус аудио, видео, фото ва бошқа зарур техник ускуналар харид қилиш учун керакли миқдорда маблағ ажратсин.

11. Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази қошида “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси тузилганлиги эътиборга олинсин.

Ушбу Фармонда марказга берилаётган имтиёзлар унинг “Олтин мерос” жамғармасига ҳам тааллуқли эканлиги белгилаб қўйилсин.

Вазирлар Маҳкамаси жамғармани қўллаб-қувватлаш тўғрисида тегишли қарор қабул қилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқсин.

13. Оммавий ахборот воситаларига “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази, унинг “Олтин мерос” жамғармаси фаолиятини кенг ёритиш, доимий махсус рўнлар очиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси марказ билан ҳамкорликда махсус “Маънавият ва маърифат” ижодий гуруҳини ташкил қилсин, мунтазам кўрсатувлар ва эшиттиришлар йўлга қўйилсин.

14. Мазкур масалаларни амалга ошириш учун тегишли идоралар вакилларида иборат махсус ишчи гуруҳи ташкил этилганлиги эътиборга олинсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида

2006 йил 25 август

ПҚ-451

Тошкент шаҳри

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий кадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ҳалқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиклолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу борада тегишли идора ва ташкилотлар, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилаётганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, ҳалқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги ишларни, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг фаолияти ва таркибий тузилишини қайта куриб чиқишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини, уларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида ҳамда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг навбатдаги йиғилишида билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига Республика Маънавият ва маърифат кенгашига раислик қилиш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимларига эса ҳудудий кенгашларга раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари штатлар жадвалига қўшимча равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси штати (жами 14 та штат бирлиги) киритилсин.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг таркибий тузилиши иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг илмий-амалий йуналишда фаолият олиб борадиган, давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилсин.

Қуйидагилар Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг асосий вазифаси этиб белгилансин:

-миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларини аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш;

-ҳалқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий кадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини захарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга

қаратилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш;

-фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларнинг онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишга, турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган амалий тавсиялар тайёрлаш. Бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва механизмларини, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услубларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва таклифлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш;

-ўз фаолияти доирасида амалга оширилган илмий изланишлар натижаларини, таҳлилий материалларнинг хулосаларини оммавий ахборот воситалари, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг нашр органлари «Тафаккур» ва «Жаҳон адабиёти» журналлари, “Маънавият” нашриёти орқали мунтазам равишда чоп этиб, кенг жамоатчиликка етказиш.

5. Республика “Маънавият ва маърифат” маркази Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг амалий тарғибот йўналишида фаолият олиб борадиган Республика Маънавият тарғибот марказига айлантирилсин.

Қуйидагилар Республика Маънавият тарғибот марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

-маънавиятнинг маъно-моҳияти, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш;

-аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказиш;

-бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш, юртимизга қарши қаратилган ғоявий ва информацион хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, олимлар, сиёсатчи ва мутахассислар, ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш;

-ота-она, оила ва маҳалла, тарихий хотира, миллий ғурур, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ва онгига таъсирчан усул-услублар орқали сингдириш, аجدодларимизнинг бу борадаги меросини бугунги тараққиёт талаблари билан узвий ҳолда ривожлантириш, тарғибот ишларини миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида ташкил этиш;

-юртдошларимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз-авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, қутлуғ қадамжоларига, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий дастурларни амалга ошириш.

6. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши 15 кун муддатда Миллий ғоя мафкура илмий-амалий маркази ҳамда Республика Маънавият тарғибот марказининг дастур ва низомларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Республика маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда “Тафаккур” журнали таҳририятини Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уйга жойлаштирсин.

8. Ўзбекистон Алоқа ахборотлаштириш агентлиги Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказини хизмат телефонлари, жумладан, ҳукумат телефони, интернет, бошқа алоқа ва ахборот воситалари билан белгиланган тартибда таъминласин.

9. Молия вазирлиги:

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази фаолиятини молиялаштириш, уни зарур идоравий жиҳозлар, компьютер техникаси ва бошқа асбоб-ускуналар билан таъминлаш, марказнинг илмий-тадқиқот натижалари, долзарб ижтимоий-сиёсий мавзулардаги китоб, рисола, дастур, қўлланма ва бошқа матбаа маҳсулоларини нашр этиш билан боғлиқ харажатлар учун 2007 йилдан бошлаб давлат бюджетидан маблағ ажратилишини кўзда тутсин;

Миллий ғоя ва мафкур илмий-амалий маркази учун битта енгил автомобилга лимит ажратсин.

10. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, бир ой муддатда амалдаги Қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

“ЁШЛАР ЙИЛИ” ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

2008 йил 29 февраль

ПҚ- 805

Тошкент шаҳри

Ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги етилган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, узлуксиз таълим тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш, реал иқтисодиётда ва мамлакат ҳаёт фаолияти соҳаларида таълим муассасалари томонидан тайёрланадиган мутахассисларга бўлган талабни таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2008 йилнинг “Ёшлар йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи “Ёшлар йили” Давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда мустахкамлаш, амалдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

таълим жараёнини унинг узлуксизлиги ва давомийлиги нуқтаи назаридан янада такомиллаштириш, 9-синф битирувчиларининг ўрта махсус, касб-хунар таълими билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида ёшлардан муносиб равишда фойдаланиш ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини кафолатлайдиган, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинаётган йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш;

ишга тушириладиган умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш ва реконструкция қилиш сифатини ошириш, уларни муҳандислик коммуникацияларига ўз вақтида ҳамда тўлиқ улаш, мебель, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва техникавий таълим воситалари билан жиҳозлаш, таълим соҳасида қабул қилинган давлат умуммиллий дастурларининг сўзсиз ва сифатли бажарилиши юзасидан буюртмачилар ва пудратчиларнинг масъулиятини кучайтириш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш бутун тизими даражаси ҳамда сифатини тубдан ошириш, мактаблар, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий ўқув муассасаларидаги таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда янгилаш, педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш;

ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларининг, шунингдек,, муддатли ҳарбий хизматни тугатган ёшларнинг, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқларда ишга жойлашиши билан боғлиқ масалалар бутун комплексини ҳал этиш;

муסיқа, рассомлик, санъат ва маданият соҳаларида болаларнинг ижодий таланти ва қобилиятларини барвақт аниқлаш ҳамда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, мазкур масалалар билан шуғулланувчи жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда шахсларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ОИТС, гиёҳвандлик, кашандалик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш бўйича профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший турмуш шароитларини яратиш, уй-жойини ободонлаштириш учун зарур маблағлар ва кредитлар бериш, маънавий бой ва жисмонан соғлом болаларни тарбиялаш чора-тадбирларининг самарали тизимини амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 декабрдаги Ф-2892-сон фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссияси зиммасига “Ёшлар йили” Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш вазифаси юклансин.

Республика комиссияси аъзоларидан 2-иловага мувофиқ таркибда “Ёшлар йили” Давлат дастурининг асосий бўлимларини амалга ошириш Кенгаши тузилсин.

3. “Ёшлар йили” Давлат дастурини амалга ошириш Республика комиссияси ва Кенгаши (Ш.М.Мирзиёев):

-вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик ва идора, минтақа, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича икки ҳафта муддатда “Ёшлар йили” ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқиши ва қабул қилинишини таъминласин;

-ушбу Дастурнинг бўлимлари ва бандларини тўлиқ бажариш бўйича ишларнинг давлат бошқаруви республика ҳамда ҳудудий органлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари даражасида мувофиқлаштирилишини ташкил этсин, Дастурга киритилган тадбирларнинг бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича “Ёшлар йили” Давлат дастурида тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этиб турсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида, уларнинг зиммасига Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юкланган ҳолда, Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари “Ёшлар йили” Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари кенг қўламда тушунтирилишини, унинг амалга оширилишини, ёшлар ҳуқуқлари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш ҳамда реал иқтисодиёт тармоқларида талаб этилаётган аниқ касб-ҳунарни эгаллаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг жамиятда муносиб ўринни эгаллаб, республикани ривожлантиришда ҳал қилувчи куч бўлиб қоладиган, ўз мамлакатининг тўла ҳуқуқли фуқаролари сифатида камол топтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда республика ва маҳаллий бошқарув органлари, жамоат ҳамда ноҳукумат тузилмаларининг аниқ ҳиссаси мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.КАРИМОВ

МУНДАРИЖА:

Кириш.....	3
Тингловчилар учун фан юзасидан талаблар	4
Ўқув-мавзу режаси	6
Ўқув дастури	7
Ўқув дастури бўйича тавсия этилаётган асосий адабиётлар рўйхати	14

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ

1-мавзу: Глобал ўзгаришлар ва ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси самарадорлигини ошириш зарурати	15
2-мавзу: Миллий ғоя ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида мактаб таълимининг ўрни	26
3-мавзу: Мафкуравий муаммолар, маънавий таҳдидлар ва баркамол шахс тарбияси	37
4-мавзу: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги ғояларнинг таълим тизимидаги аҳамияти	41
5-мавзу: Миллий мафкурани ўқувчи ёшлар онги ва қалбига сингдиришда мактаб раҳбарининг маъсулияти	51
Миллий ғоя ва маънавият асослари фанидан тестлар	65
Глоссарий	72
Информацион таъминот	77

ИЛОВАЛАР:

Илова № 1. “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	79
Илова № 2. “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	80
Илова № 3. Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори	82
Илова № 4. “Ёшлар йили” Давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори	85



МИЛЛИЙ ҒОЯ
ва
МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ